

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2021-yil 30-aprel / № 18 (4625)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ амалий санъатининг зардўзлик ва заргарлик анъаналарини ривожлантириш, уларнинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш орқали халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустахкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда минтақанинг туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда май ойида Бухоро шаҳрида Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали (кейинги ўринларда – Фестиваль) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдирот ва кўргазмалар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилсин. Бунда:

2022 йилда Фестиваль 21–25 май кунлари ва унинг доирасида “Анъанавий зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш истикболлари” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилсин;

Фестивалга уйғун ҳолда Тошкент шаҳрида хорижий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хорижий инвесторлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда “Uzbek Jewellery Fair” заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг йиллик халқаро кўргазма-савдоси ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Фестивалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

миллий хунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик соҳасида фаолият юритаётган ва

соҳа ривожига улкан ҳисса қўшаётган тажрибали, истеъдодли хунармандларни аниқлаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш, унинг ноёб ва йўқолиб бораётган намуналарини сақлаш, қайта тиклаш;

худоуларда зардўзлик ва заргарликни жадал ривожлантириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларга ўргатиш, янги иш ўринлари яратиш;

зардўзлик ва заргарлик намуналарини миллий бренд сифатида халқаро миқёсга олиб чиқиш, халқимизнинг миллий маданияти анъаналарини намойиш этиш орқали сайёҳларни жалб қилиш, Фестивални жаҳон миқёсида кенг танитиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

зардўзлик ва заргарлик намуналарининг кенг тақдироти, ҳар бир ҳудуднинг тарихи, ҳаёт тарзи, хунармандчилик мактаби анъаналарини акс эттирувчи хунармандлар шаҳарчалари макетлари, уй-рўзгор буюмлари, хунарманд-дизайнерлар яратган маҳсулотлар кўргазмаларини ўтказиш;

халқ сайиллари, фольклор ва дорбозлик жамоалари, аскиячи ва қизилчиларнинг театрлашган томошалари, санъат вакилларининг концерт дастурларини ҳамда уста-хунармандлар томонидан маҳорат дарслари, рассомлар хийбони, экскурсия маршрутларини ташкил этиш.

3. Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий кўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмитага (А.Н.Арипов):

Фестивални юқори ва бадий савияда ўтказиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифати билан бажариш, бу борада масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Фестиваль совриндорларига топширилган диплом ва сертификатлар намуналарини тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазифалари юклансин.

4. Белгилансинки, Фестивалга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташкилий кўмита томонидан ишлаб чиқилган смета асосида қуйидаги тартибда:

Фестивалга тайёргарлик кўриши билан боғлиқ барча харажатлар Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунийлик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Фестивални ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи – Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 50 фоизи – Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунийлик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги (Б.К.Зарипов) Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдуҳақимов), Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси (Д.Н.Саматов), “Хунарманд” уюшмаси (У.Т.Абдуллаев)

билан биргаликда уч ой муддатда Фестивални ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда 2022 йилда уни ўтказиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ташкил ишлар вазирлиги (А.Х.Камиллов): хорижий давлатлардан зардўзлик ва заргарлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари, соҳа олимлари ҳамда мутахассислари, фахрий меҳмонларни Фестивалга таклиф этишда ташкилотчиларга амалий ёрдам кўрсатсин;

Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасининг виза талабномаларига биноан Фестивалнинг хорижий иштирокчилари учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), “Хунарманд” уюшмаси (У.Т.Абдуллаев), “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси (Д.Н.Саматов) ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадий жиҳатдан бетақдор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарийнавис ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, хунармандлар, саҳналаштирувчи рассомлар, истеъдодли санъаткорларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

(Давоми 2-саҳифада)

Ботир Зокиров таваллудинини 85 йиллиги



БОТИР ЗОКИРОВНИНГ
«РАЪНО»СИ

Тошканинг манзилу маъноси гўзал,
Олам чиройига даъвоси гўзал.
Эсдан чиқиб кетди қанча кўшиқлар,
Ботир Зокировнинг “Раъно”си гўзал.

Келиб кетди қанча куйчино хофиз,
Бирлари нонсизу бирлари номсиз.
Бир дардли, бир мунгли овози қолди,
Ботир Зокировнинг “Раъно”си қолди.

Севгининг суманбўйи ҳаёлими бу?
Ёрнинг фироғи ё висолими бу?
Кўшиқда аҳд ила паймони қолди,
Ботир Зокировнинг армони қолди.

Насли Оврупони, хинду ё фаранг,
Энди бу нағмаю созларга қаранг.
Шулар ҳам ўзбекнинг долларими,
“Тошкент проғи”нинг болаларими?

Айём шамоллари славереди,
Бир нола бағримни тилавереди.
“Раъно”ни соғиниб, “Раъно”ни сўраб,
“Раъно”ни эшитгим келавереди.

Ел бўлиб келгандим – дил бўлиб кетгум,
Ёмғирдай келгандим – сел бўлиб кетгум.
Бошимда сеvgининг савдоси гўзал,
Ботир Зокировнинг “Раъно”си гўзал!

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири


ИСТЕЪДОДЛАРГА РАҒБАТ

Самарқанд шаҳрида Республика ёш ижодкорларининг “Истеъдод мактаби” танлови ҳудудий босқичи ўтказилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган икки кунлик тадбирда ўн саккиз ёшдан ўттиз беш ёшгача бўлган жижзаҳ ва самарқандлик йиғирма нафар ёш ижодкор беш йўналиш бўйича беллашди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири С.Сайиид ва Ўзбекистон халқ шоири М.Тоир иштирок этди. Уюшма аъзолари О.Бекмуродова, М.Абдулсамад, Н.Чори, М.Зоҳидова, Ж.Сувонова назм, наср, публицистика, болалар ижодиёти, таржимонлик йўналишлари бўйича маҳорат дарсларини ўтишти. Ёш ижодкорлардан И.Ҳасанов, У.Қодиров, А.Жаҳонов, Н.Исаева назм, И.Бекмуродова, С.Одилова наср, Х.Мухторова таржима, С.Баҳодирова публицистика йўналиши бўйича фаол иштирок этди. Маҳорат дарсларидан сўнг Регистон майдонида ҳудудий семинар катнашчилари иштирокида мушоира ташкил этилди. Тадбир якунида ўн саккиз нафар самарқандлик ижодкор Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди ва семинар иштирокчиларига сертификат ҳамда эсдалик совгалари топширилди. Саралаш давомида ижоди юқори баҳоланган ёшларнинг асарлари жамланиб, Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида чоп этилади.

«ЎТКАН КУНЛАР»НИНГ БУГУНГИ КУНЛАРИ

27 апрель куни Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини инглиз тилига таржима қилган АҚШлик маданиятшунос ҳамда таржимон Марк Эдуард Риз Ўзбекистонга таширф буюриб, Адиблар хийбонида бўлиб ўтган китоб тақдиротида иштирок этди.



Меҳмон дастлаб адиб уй-музейини томоша қилди, ёзувчи номи билан аталувчи ижод мактаби жамоаси билан учрашди. Сўнг Абдулла Қодирий мемориал музейи комплекси ҳамда “Турон” ахборот-кутубхона маркази билан танишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайиид, таниқли ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашган тадбирда АҚШлик мутаржимнинг таржимонлик салоҳияти ва муваффақияти ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

— Таржимон асар таржимасига 15 йилдан ортиқ вақт сарфлаган, — деди адабиётшунос Гулноза Одилова. — Инглизчага “Bygone days” деб таржима қилинган роман 660 саҳифадан иборат бўлиб, унда ўзбек халқининг маданияти, анъаналари ва урф-одатларининг ўзига хос жиҳатлари батафсил изоҳлар билан берилган. Мухими, ҳаё, андиша, ор-номус сингари ўзга тилда тушунтириб бериш мушкул бўлган халқимизгагина хос миллий қадриятлар ва фазилатлар ҳам таржима жараёнида алоҳида эътиборга олинган. Тақдиротда сўзга чиққан Марк Эдуард Риз кўрсатилган хурмат-эҳтиром учун алоҳида миннатдорлик билдираётган экан, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи таржимаси устида ҳам ишлаётганини айтиб ўтди. Тадбир сўнггида Марк Эдуард Ризга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзоллигига қабул қилинганлиги муносабати билан аъзолик гувоҳномаси топширилди.

Фозил ФАРХОД



АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими бош мутахассиси, ёзувчи Рисолат Ҳайдарова Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси учун махсус сўхбат уюштирди. Анор муаллим айни дамда Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси вазифасида ишлаб келади, шу билан бирга

Туркий тилли давлатлар Ёзувчилар бирлигини бошқаради.

Таҳририят мазкур сўхбатни уюштиришида ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги элчихонасига миннатдорлик билдиради.

ИЖОД САОДАТИ

— Бу йил Озарбайжонда Низомий Ганжавий таваллудининг 880 йиллиги, Ўзбекистонда эса Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги юбилейлари кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан туркий тилли адабиёт ва озарбайжон адабиёти вакили сифатида Сизни ушбу қутлуг саналар билан табриклаймиз. Икки буюк шоир анъаналари бугунги кунда қандай давом этапти, деб ўйлайсиз?

— Низомий Ганжавийнинг 880 йиллиги ва Алишер Навоийнинг 580 йиллиги нафақат қардош Озарбайжон ва Ўзбекистон, балки бутун туркий дунё, Шарқ ва жаҳон адабиёти миқёсидаги аҳамиятли саналар. Мен Сизнинг шу муносабат билан билдирган табригинингизни жоним билан қабул қиламан ва ўз навбатида қардош ўзбек халқини ҳам табриклайман. Агар на телефон, на телеграф, интернет бўлмаган ўша қадим замонларда ҳам буюк Навоий буюк Низомийнинг ижоди билан яқиндан таниша олган экан, энг янги алоқа воситалари замони бўлган ҳозирги кунда халқларимиз бир-бирларининг адабиётини янада яқиндан, янада яхшироқ билишлари шарт. Бу борада маълумот олиб бориляпти. Лекин бу ишлар янада изчил ва мунтазам бўлишини истардим.

— Бугунги глобаллашув шароитида маданият, жумладан, адабиётнинг миллий ўзига хослигини сақлаб қолишда зиёлиларнинг вазифалари нима? Кўринди?

— Зиёлиларнинг муҳим вазифаси, менингча, она тилларимизнинг софлигини сақлаш, уларни керак бўлса-бўлмаса қўллани-

лаётган янгича урфдаги ажнабий сўзлардан тозалашдан иборат. Биринчи навбатда она тили ёрдамида, албатта, аммо адабиёт ва санъатнинг бошқача шаклдаги воситалари ёрдамида ҳам биз миллий маданиятларимизнинг ўзига хос кирраларини сақлаб қолишимиз мумкин.

— Бугун жаҳон адабиётидаги тенденцияларни ўзлаштириш деган сўзлар тез-тез тилга олинапти. Бу алоқибат адабиётнинг миллий қиёфаси ўзгаришига олиб келмайми?

— Ўйлайманки, жаҳоннинг ҳам умумтоз, ҳам замонавий адабиётидаги энг сара асарлар билан танишиш миллий адабиётнинг қиёфасини ўзгартиришга сабаб бўлолмайди. Фақат бу танишув кўр-кўрона эргашшига, тақдирчиликка айланиб кетмасе бас. Айниқса, бу хориждаги замонавий “янги урф”даги адабиётга тегишли.

— Бугунги кунда Туркий тилли давлатлар кенгаши доирасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайиб бормоқда. Бунинг адабиёт соҳасидаги ҳамкорликка таъсири нима? Кўринди?

— Мен кўп йиллар давомида туркий тилли давлатларнинг исталган шакл ва қўринишдаги ҳамкорлиги адабиётларимизнинг ўзаро боийишдан ташқари, маданият, фан, атамашунослик қаторида сиёсатда ҳам тугган ўрнимизнинг яқинлашувига хизмат қилиши керак, деб таъкидлаб келаман. Яъни биз мамлакатларимизнинг муаммоларини адабиёт орқали яхшироқ билиб оламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК
ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

8. Бухоро вилояти ҳокимлиги (Б.К.Зарипов):

а) Бухоро шаҳрида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган саҳна майдонлари ҳамда жойларнинг талаб даражасида тайёрланишини;

б) Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси, Туризм ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги ва Ўзбекистон Бадний академияси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Бухоро шаҳридаги “Лаби ховуз” ансамбли майдонидан “Арк” кўргони худуди-гача бўлган ён-атрофда зардўзлик ва заргарлик санъатига оид турли кўргазмалар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий зардўзлик ҳамда тарихий дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнари, хунармандчиликка оид бадний, ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши, уларнинг со-туви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқи-лишини ва унинг уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим эти-лишини, Интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль доирасида миллий ли-бослар кўргазмалари чиқишлари, те-атрлаштирилган томошалар, аксия ва кизикчилар, фольклор ва дорбозлик

жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Фестивалнинг туризм календарь режасига киритилишини ҳамда хо-рижий меҳмонлар ва сайёҳларнинг Фестивалга жалб қилинишини;

в) Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан бирга-ликда Фестиваль катнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратилишини;

г) Маданият вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, “Хунар-манд” уюшмаси, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси билан биргаликда 2023 йил якунига қадар малакали мута-хассис ва халқро экспертлари жалб этган ҳолда:

миллий хунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик йўналишларини ЮНЕСКОнинг номодий ма-даний мерос рўйхатига;

Бухоро шаҳрини ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритиш бўйича ҳужжатлар тўплами тайёрланиши ва тавсия этилишини таъминласин.

9. “Uzbekistan Airways” акция-дорлик жамияти (И.Р.Махкамов) ва “Ўзбекистон темир йўллари” акци-ядорлик жамиятига (Х.Н. Хосилов) Фестиваль катнашчиларини Сав-до-саноат палатаси, “Хунарманд”

уюшмаси ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси буюртмаларига мувофиқ белгиланган тартибда авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш тавсия этилсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) Фестивалга ташриф буюрувчи хорижий меҳмон-лар ва катнашчиларни қутиб олиш, жойлаштириш ва уларни Бухоро шаҳрига юборишни ташкил этсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев):

Фестиваль ўтказиладиган жой-ларда тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этсин;

Фестиваль ўтказиладиган вақтда санитария нормалари, қодалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кучинов), Ўзбеки-стон Миллий телерадиокомпания-си (А.Ж.Хаджаев), “Дунё” ахборот агентлиги (С.Л.Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситалари Фести-валга тайёргарлик кўриш ва уни ўт-казиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб боришни таш-кил этсин.

13. Мазкур қарорнинг ижроси-ни назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бошвазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2021 йил 29 апрель

ИЖОДИЙ САБОҚЛАР

АДАБИЁТНИ ЎРГАНАМИЗ

Президентимиз томонидан шу йил 26 мартда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш учун умумий ўрта таълим мактабларида ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Шайхон-тоҳур туманидаги 84-мактабга Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон бириктирилди.

Яқинда шоир, таржимон ва журналист Рустам Мусурмоннинг мактабимиз ўқувчилари билан илк ижодий машғулот ўтказилди. Р.Мусурмон мактабимизда шеърят ва адабиётга қизиққан, ижодий қобилияти бор ўқувчилар билан яқиндан танишиб, суҳбатлашди. Ада-

биётдаги бугунги янгиликлар, сўз санъати, шеърят ва ижоднинг моҳияти мавзусида дарс ўтди. Машғулот давомида шоир ўзининг шеърятга кириб келиши, адабиёт ва китобхонликка мухаббати ҳамда устозлари ҳақидаги ибратли воқеаларни сўзлаб берди.

Азамат ЙЎЛДОШЕВ,
Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактаб ўқувчиси

АДИБЛАР ХИЁБОНИДА

УМР – УЧИБ КЕТГАН ҚУШ

Адиблар хиёбонида таниқли шоир Муҳаммад Юсуф таваллудининг 67 йиллигига бағишланган адабий-бадиий тадбир бўлиб ўтди.

– Муҳаммад Юсуфни халқи-миз чин дилдан севиб, ардоқлай-ди, – деди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Юлдашев. – Уни Ватан куйчиси, истиқлол куйчиси деб ар-доқлаймиз. Унинг шеърлари чин маънода қанотли, парвози баланд шеърлардир.

Тадбирда бир гуруҳ ёшлар шоир қаламига мансуб “Улуғмасан, Ва-таним” шеърини ифодали ўқиди.

Сўнг халқ ижодиёти факультети талабалари томонидан катта ашула ижро қилинди. Муҳаммад Юсуф-нинг қардош халқлар тилларига таржима қилинган шеърлари асо-сида институт ўқитувчилари томо-нидан беш тилда намойиш этилган муносиқ композиция эса, шоир мухлислари аудиторияси нақадар кенглигини кўрсатди. Катта ўқитув-чи Азамат Шарипов ҳамда доцент Мансур Мамиров ижро этган “Қай-

да бор?”, “Умр нима?” кўшиқлари ҳам йиғилганларга мансуб бўлди.

– Муҳаммад Юсуф хаёти ва ижо-ди, шахсияти ҳақида мунаққидлар, мухлислар, санъаткорлар кўп илк гаплар айтишган, ёзилган, кино-тасмаларга олинган, – деди шоир талқинидаги Зайнаб образини ярат-ган Мафтуна Нурманова. – Ижро жараёнида амин бўлдими, хали у ҳақда яна кўп гаплар айтилади, ёзилади. Чунки у бунга муносиб, чинакам халқ шоиридир. Муҳаммад Юсуфнинг ўз ибораси билан айтган-да, “Умр нима – учиб кетган қуш...”, “Улса ўзи ўлар, сўзи ўлмайди, Ҳа-миша барҳаёт асл шоирлар...”.

ИСТЕЪДОДЛАРГА РАҒБАТ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шунингдек, Термиз шаҳрида ҳам Зомин семинари-нинг минтақавий саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилоятидан ўн уч нафар ҳамда Қашқадарё вилоятидан ўн икки нафар ёш иштирок этди. Ушбу босқичда катнашган ёшларнинг аксарияти олий ўқув юртлири талабалари. Уларнинг шеър, хикоя ва бошқа жанрлардаги ижодий ишларида ёшларнинг адабиёт йўлига жиддий тайёргарлик билан кириб келаётгани намоён бўлди. Айниқса, қашқадарёлик С.Абдужалилов, Д.Қурбонова, сурхондарёлик С.Эргашева, Ҳ.Малик ва бошқаларнинг чиқишлари ҳайбат томонидан ижодий баҳоланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Б.Эргашев, шоир А.Азим ва адиб Н.Чори ёшлар билан маҳорат дарслари ўтказишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган тадбирда Тошкент вилоятида яшаб ижод қилаётган ўн нафар ижодкорга Уюшмага қабул қилингани му-носабати билан аъзолик гувоҳномалари топширилди. Улар ёш ижодкорларга алоҳида эътибор кўрсатилаёт-ганидан мамнунлигини айтиб, билдирилган ишонччи оклаш ўзлари учун шарафли бурч эканини таъкид-лашди.

— Бугун навқирон ижодкорлар қатори менинг ҳам ғайратимга ғайрат қўшилди, — дейди уюшма янги аъзоларидан бири А.Пиримкулов. — Одатда, бундай эътибор ҳар қандай ижодкорга тоғдай суяч бўлиш би-лан бирга, зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.

Тадбирда янги аъзоларга Ўзбекистон Қаҳрамо-ни, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг яқинда “Шарк” нашриётида босмадан чиққан икки жилдик “Танлан-ган асарлар”ни тухфа қилинди.

Шухрат АЗИЗОВ

ТИЛ, СЎЗ ВА ИСМ ҲИКМАТИ

УНУТИЛМАС САБОҚ

1974 йилининг кузи, эндигина мактабни битириб, туман газетасида ишлаётган кезларим эди. Бир сафар илгор ме-ханизатор ҳақида мақола ёзиш юзасидан топшириқ олдим. Шунга кўра, ийғим-терим авжига чиққан далада бордим, мезгилдорни иш устида учратиб суҳбатладим. Кейин шу асосда лавҳа ёздим.

Албатта, бу мен – бошловчи журналист учун катта ютуқ эди. Аммо кувончим узокқа қўзилмади. Душанба куни эр-талаб хонада ўтиргандим, эшик очилдию остонада қахра-моним кўринди. У мен билан номигагина сўрашди-да:

– Ҳов, ука! – деди зардали оҳангда. – Мен отим Итол-мас эканлигини айтгандим, сен нега Етолмас деб ёздинг? Хўш, нимадан қурук қолар эканман?..

Олдимда турган газетга шоша-пиша кўз югуртирдим, исми ростданам Етолмас ёзилди. Уни ким, қачон ўзгар-тирганини билмай, тасодифан хонага кирган бўлим му-дирига илтижоли бокдим.

– Ҳа, тинчликми? – Бўлим мудир механизаторга юз-ланди. Унинг дардини эшитгач, масалага оидинлик кирит-ди. – Айб бу йигитда эмас, – деди менга кўз қирини ташлаб. – Аслида сизнинг исмингиз эскича ва ноқоизрок экан. Шу-нинг учун газетга қўл қўйишдан олдин муҳаррир билан маслаҳатлашиб, сал ўзгартирдик.

– Нега?! – Механизатор баттар жahl отига минди. – Ахир, эскичима-янгичима, ёқимлими-ёқимсизми, бу раҳ-матли ота-онам қўйган исм-қу! Улар мендан олдинги беш фарзанди турмагани учун шундай қарорга келишган. Бу бо-ламиз яшаб қолсин, уни Худо ўз паноҳида ва ёмон кўзлар-дан асрасин, лоақал ит ҳам дахл этолмасин, деган маънода шундай йўл тутишган. Сизларга бировнинг отини бузиб ёзишга ким ҳуқуқ берган?

Хуллас, Итолмас ака узок тортишди. Охири бизни тав-бамизга таянтириб, узр сўраттирди.

Бу воқеа мен учун бир умрлик сабоқ бўлди. Шу-шу мудом одамлар исмини тўғри ва тўлиқ ёзишга, мазмуни-га эътибор беришга одатландим. Кейинчалик республика миқёсидаги нуфузли газеталарда ишлаган чоғларим айни мавзуда бир нечта чиқишлар қилдим. Энг муҳими, исм-ларга кизикқан сайин барчаси ўзига хос теран маъно ва “таржимаи хол”га эгалигини чуқурроқ англай бошладим.

ИСМЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Исм қўйиш дастлаб қачон ва қаерда расм бўлгани-ни аниқ айтиш қийин. Аммо бир нарса аниқки, исмлар чақалоққа ота-онаси, яқин қариндошлари, табарруқ кексалар томонидан бериладиган, уни оилада, авлодлар ўртасида ва турли давраларда бошқалардан фарқлаш имконини яратадиган омил бўлиб, муайян сабаблар не-гизда шаклланди. Захматқаш олим Э.Бегматовнинг уқтиришича, барчаси эстетик ва ахлоқий тамойиллар, инсоний орзу-истаклар, тасаввур ва дунёқарашлар, миллий кадриятларга уйқайиб кетган.

Асрлар оша исм қўйишнинг турли расм-русум ва удум-лари қарор топган. Аждодларимиз боланинг соғлиги, келгуси хаёти ва бахти, ҳулқ-атвори ва тақдирга таъсир кўрсатади, деб билишган. Насллар давомчилирига улар-ни гурурантирадиган, бамисоли ҳусндек яхши отлар танлаб, тўлиқ ва чиройли талаффуз қилишган. Ўзгалар исмини чала-ярим айтишни ёки дилга оғир боттувчи лақаб-лар тўқишни одобсизлик ҳисоблашган. Зеро, ҳадисда ҳам «Кимки бировни ўз номи ўрнига лақаб билан чакирса, уни фаршталар лаънатлайдилар» дейилган.

Айрим исмлар ҳолат, вазият, табиат ҳодисалари, қақа-лок туғилган вақт, кун, фасл ва байрам-тантаналарга ки-ёслаб қўйилган. Оиланинг тўнғич фарзанди Муқаддам, иккинчиси Сония, тўртинчиси Робия ёки Чори, бешинчи-си Панжи деб аталган. Отаси кексайганида туғилганларга Олтинбой, Етмишбой, Саксонбой, Тўқсонбой, ота ёки онаси вафот этган гўдакка Ёдгор, ҳар иккисидан айрилган-нига Етим исми қўйилган.

Ҳижрий йил ҳисобидаги ойлар номи ҳам кўпинча исм вазифасини ўтайди. Масалан, Қурбонали, Сафарали ва Ҳайиталининг замирида янги меҳмон куч-қудрат, етук ақл-заковат соҳиб бўлиб камол топсин деган эъзу тилак мужассамлашади.

Кўпчиликка аён иримга кўра, оилада қизлар кўпаяверса, энди бас, етар, навбатдагиси ўғил бўлсин деган умидда Басан-да, Ўғилбой, Ўрилшо, Кифоят, Зиёда, болалар гўдақлигида нобуд бўлаверса, кейингиси яшаб қолиши, умри узок бўлиши илнжида Яшар, Турди, Турғун, Турсун, Ўлмас, Тўхтасин, Қўйсин, Омон, Эсон ўзакли исмлар лойиқ кўрилади.

Яна бир қизиқ ҳолат: муқаддам уйда туғилган қақа-локлардан айримларининг киндиги меҳнат ёки жанг ку-роллари ёрдамида кесилган. Шунга биноан, улар Болта, Теша, Ўрок, Қилич исмларини олишган. Қолаверса, бола келгусида худди шу асослардек ўткир-қескир ёки тур-ли-туман ноёб металллар ва каттик жисмлардек мустаҳкам иродали, кадр-қиммати ва мавқеи баланд бўлсин, деган умидда уларга Темир, Пулат, Тошмурод, Тошўлат, То-шкул, Тилла, Олтин, Олмос, Ёқут, Лаъл, Сухроб, Қумуш, Динора исмларини ҳам раво кўришган. Қогонок, яъни ҳомила пуфга ёрилмай туғилганини Парда, тиши бори-ни Бўри, киндигига ўралиб тушган жингаласқоч митт-войини Ўрол, сочи ўралиб туғилган чиройли «хольвани Зулфия дейишган.

Исмларга тааллуқли бундай ажойиб-ғаройиб далиллар-ни истаганча келтириш мумкин.

ФАМИЛИЯ ВА ОТА ИСМИ
ХУСУСИДА

“Фамилия” лотинча сўз бўлиб, “оила” деган маъно-ни билдиради. Бу сўз қадимий Римда қариндош-уруғлар ва қуллардан иборат хонадоннинг хўжалик-хуқуқий му-носабатларини ўзида ифодалаган. Илк фамилиялар бола туғилган ёки «наслий мероси» жойлашган маскан номига нисбатлан йўли билан ясалган. Бу усул Фарбий Европада XV асрдан эътиборан жорий этилган ва асосан юқори та-бақа орасида тарқалган. Бизда эса илгари ҳозирги кўри-нишдаги фамилия бўлмаган. Фақат VI-VII асрлардан ота исми ортидан ўзбекча “ўғли”, “қизи”, кейинчалик уларнинг “ибн”, “бинти” каби арабча муқобиллари қўлланилган. Шарк фан-маданияти намояндлари эса турли нарсалар ва сифат-хусусиятларга, ҳаёт тарзи ёки қисматига ишора

сифатида (Навоий, Лутфий, Бобур, Мунис, Завкий, Гадо-ий, Узлат, Фуқрат), туғилган ёки тураржойи, машғулотию касби (Бухорий, Қошғарий, Насофий, Хоразмий, Яссавий, Гулҳаний, Чархий) ва бошқа омилларга қараб, ўзларига та-халлус танлашган ёки олишган. Зиёдиларнинг ота исмига “зода”, “ий”, “вий”, “ия”, “вия” қўшиш орқали исм, фами-лия ёки тахаллус яратилган. Баъзан ҳеч қандай қўшимча-сиз фарзанд ва ота исми кетма-кет ёзилган. Ўтган асрнинг 30-йиллар ўртаси ва 40-йилларида -ов, (-ова), -ев (-ева) ҳамда -ович (-овна), -евич (-евна) қўшимчалари кўмагида фамилия ва ота исми яшас қонулаштирилиб, бошқа барча миллий-маҳаллий шакллари растан ёзиш тақиқланган. Бу тартибга Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) ва паспорт бўлимларида қатъий риоя қилинган.

ТИЛ – ТАФАККУР МАҲСУЛИ, СЎЗ
ЭСА УНИНГ КЎРКИ

Энг ачинарлиси, шўролар замонида ўзбекча-мусулмон-ча отлар тарқибиди “шоҳ”, “бек”, “гўра”, “эшон”, “хўжа”, “саид”, “мир”, “бой”, “абду”, “қул”, “бегим”, “ойим”, “бону”, “отин” сўзлари эскилик сарқити ёки диний ақида-парастиликка йўйилиб, киши шахсини тасдиқловчи ҳужжат-ларда кўпинча тушириб қолдирилди. Устига-устак, аксария-т лўзал-пурьмамо исмларимизни русчада нечоғли бузиб талаффуз этишса, шундайлигича ёзиш авж олди. Алаоқиба-бат, улар Абды, Аман, Астан, Арып, Ақил, Адилжан, Аль-тибай, Альтынбек, Давка, Курбан, Қадыр, Надыр, Қушак, Қарабай, Гиас, Илкс, Гани, Ғайрат, Гулям, Гапура, Гапшар, Садык, Рафъқ, Хаджи, Таджи, Реждаб, Мухамед, Кабул, Шадман, Ядгар, Патта, Фарагат, Уғилай, Кундуз сингари масҳароуму шақлга келиб, жойибасини йўқотди.

Бу ҳам етмагандай, айримлари мустабид мафкура нуқтаи назаридан батамом тескари талқин қилинди. Ма-салан, азалий арабча исмлар сирасига кирувчи «Шокир»ни олайлик. Уни ўзбекчага ўтирсак, «шуқр қилувчи», «яхши-ликларни билувчи», «миннатдор инсон» деган маънони бе-ради. Дахрийлар эса унга мутлақо бошқача мазмун бериб, ўзларича «қашфиёт» яратдилар. “Туркистон” газетасининг 1924 йилги 8 сентябрь сонидида “Инқилобий исм” сар-лавлари хабарда шундай ёзилган:

“Тошкент Эски шаҳар биринчи райком ёшлар уюшма-сининг Минор янги шаҳар ячейкаси қайси кундаги маж-лисидида комсомол аъзоси Саидхамид Мавлон ўғлининг боласига от қўйиш масаласини қараб чиқиб, унга Шокир исмини берди. Бу инқилобий сўз-иборалардан қисқартириб олинган бир исmdir. “Шарк”дан “Ш”, “Озодлик”дан “О”, “Карл Либкнехт”дан “К”, “Инқилоб”дан “И”, “Роза Люк-сембург”дан “Р” харфлари олиниб, “Шокир” ясалгондир”.

Ўша давраларда йўқсиллар “даҳо”ларининг отлари ёки уларнинг бош харфларидан ясалган, халқимиз тили ва руҳиятига етти ёт бегона исмлар ҳам пайдо бўлган. Аммо бугун тилимизга давлат тили мақоми берилганига 31 йил-дан ошганига, Истиқлолга эришганимизга 30 йил тўлаётган-нига қарамай, хали-ҳануз Бобоевни Бабаев, Ёқубовни Яку-бов, Орткивовни Артықов, Соатовни Сағатов, Ғойибовни Гапшов, Қозқобоевни Қазқобоев, Холтўраевни Халтўраев, Қултўраевни Қултўраев кўринишида ёзишлар давом этаёт-ганини, ҳамон ҳужжатдан-ҳужжатга, нашрдан-нашрга кў-чиб юрганини қандай изоҳлаймиз?

Ғафимга қўшилмасангиз, дўст-биродарларингиз ва яқинларингиз паспорт ёки гувоҳномаларини син-чиклаб ўқинг. Жилла курса, ўзбекча газета-журнал-ларимизга бирров назар ташланг. Уларнинг саҳифа-ларида ҳам шундай ҳолатлар кўп кузатилади. Қизиғи, журналистлар ҳатони тузатишга чоғланишса, муал-лифлар қўнишмайди: «Бу илмий мавзудаги ёки иш ҳисоботинга қўшиб топшириладиган мақола. Ундаги исм-фамилия паспортимдагиси билан бир хил бўлма-са инобатга олинмайди», дея рад этишади.

Ҳолбуки, амалдаги қонуналаримизда муайян саба-бларга кўра фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларни миллий-тарихий анъа-наларга монанд қилиб ёздирибдан ташқари, ноаниқ-ликлар ва имловий ҳатоларни тўғрилаш ҳам мумкин-лиги белгилаб қўйилган. Бу иш талабгорини яшаш жойидаги ёки далолатнома ёзувлари сақланаётган худуддаги ФХДЁ бўлими томонидан Оила кодексин, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ко-идалари ва ФХДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома асосида амалга оширилади.

Бундан ҳаммамиз яхши хабардоримиз. Бирок баъзилари-миз неғадир отимиз, фамилиямиз ва отамиз исми битигида-ги кусулларни йўқотишга, қачонлардир йўл қўйилган, узок йиллардан буён ғашга тегиб келаётган лугавий-имловий нуқсонларни баргараф этишга қунт-хафсала қилмаяпмиз. Ўз исм-шарифимизни, насл-насабимиз ва сулоламизни ор-номус даражасида қадрлашни, уларнинг мусаффолиги учун қайгуришни ўйламаймиз.

Тўғри, ушбу жараён осон кечмайди. Унга жазм этган киши, аввало, аллақанча жойдан қўшимча маълумотнома ва ихтисоси ҳақидаги шаҳодатномасио дипломига, харбий билетига, никоҳ паттасио меҳнат дафтarchасига, уйи, оила аъзолари ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиришлар кири-тиш зарурати туғилади. Акс ҳолда, улар расман тан олин-майди, бир-бирига мос тушмаса, қонуний ҳисобланмайди. Махалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ФХДЁ ва паспорт бўлимларида эса янги ҳужжатларни аввалгиларни бўйича тўл-дириш анъанага айланган. Инчунин, бу идоралар ходимла-ри хато, нуқсон ва чалқашликларни ўз ташаббуслари билан тузатишга журъят этишолмайдилар. Қарабсизки, ҳаммаси эски тос, эски ҳаммомлигича қолаверадилар.

Илгари эркимиз қўлимизда эмасди, исм-шарифимиз-ни аслича ёзишни талаб қилсак, миллатчиға чиқарилишдан қўрқардик. Энди бу борада ҳадик-хавотирга ўрин йўқ. Энг муҳими, расмий ҳужжатларимиз бизнинг Муस्ताқил Ўзбеки-стон фуқароси эканлигимизни, миллатимиз, касб-қоримиз, лавозим-вазифамизни тасдиқловчи асосий манба ҳисоблани-шини теран тушунишимиз зарур. Айни чоғда, барча сўзлар қатори ҳар қайси исмда ҳам бир рамз-ҳикмат борлигини, ақали битта харфи ёзилмай қолса ёки ўрни алмашиб кетса, туб мазмун-моҳиятига жиддий пугур еттишни зинҳор-ба-зинҳор унутмаслигимиз даркор.

Абдунаби ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Икром ОТАМУРОД

КЕНГЛИКЛАРГА ТАЛПИНАР КАНГУЛ...

...ВАТАН — боболардан мерос бир иймон — рухим мундарижасида муқаддас ёзув. Таниш ва нотаниш имлоларсимон рухимда хисларнинг тўғони тизув.

...ВАТАН — боболарим кечган хотира — рухим мундарижасин қадимий муҳри. Рухим туфроғига илдин ботириб, бўй тортар буюк дарахтдай зухри.

...ВАТАН — боболардан қолган эътиқод — рухим мундарижасин кўҳна суврати. Рухим ранглирига ранг бериб бот-бот, рухим мундарижасин беэаб туради.

...ВАТАН — Рухим суяги, жоним — рухим даричасин чертаётган сир. Рухим томирларида оқаётган қоним, рухимда нур сочган кафкабир.

...ВАТАН — соф покиза, бегубор умид — рухимда мўғжалаб барг ёзган дунё. Тахлари бузилмаган ўйларга чўмиб, гардларин рухимга қилгум тўтиё.

МЕН — рух чизгисидан яралган жисм, рухим дафтаридида чизгилар неча? ВАТАН — рухимда уйғонган исм, Рухим — ВАТАНда гуллаган чечак...

...Урмим — Касбидан то Тошкентга қадар фарсанг-фарсанг ғариб чўзилган йўлди. Бу йўлда танимайин чопади қадар, бу йўлда қатнайди армон тинмагур.

Йўлдошим — чатнаган, қакшаган умид, чайир хаёлларим зиркираб оғрир. Парчин дардларимни канглумга кўмиб, надоматни ичга ютаман — тахир.

Поезд ўринлари тикилинч расми, учоқда топилмас бўш жой дафъатан. Шошаман. Соғинчим — қадимий Касби, бағримда муқаддас туфроғим, зотан.

Султон Мирхайдарнинг тошларин силаб, бир оят ўқийман, о, Танграм, инон! Сукунат сабрига омонлик тилаб: кўҳна руҳлар иймон, соғинчлар иймон.

...Йўл заминни осмонга улар, нигоҳига туташар осмон. Йўл осмонни заминга улар, бағрин тутар замин ёнма-ён.

Ох, замин осмонга интилар, интизорлик ғамига пайваст.

Ох, осмон заминга қурб тилар, соғинч йўлига тутиб даст.

Кундуз осмон бағрида бардош, тўкилади мурағаб сойил. Нур тўкади заминга кўёш хароратин нақш этиб мойил.

Даҳр қобида айланади сир, замин сирдир, осмонда сир мўл. Йўл маконлар боғлогичидир, йўл пастдадир, баланддадир йўл...

Даштнинг осмони олис-олис, олис-олис осмондан дашт ҳам. Кундуз кўёш талпинар холис, нурин даштга сингдириб хар дам.

Шомда эса порлаган камар олис-олис партавин тақиб, дашт осмонин тўнини ямар зулумотнинг зулматин чақиб.

Юлдузлар тўп-тўп бўлиб кўкда масофа сирга ёнғашиб, шуълаларин сочар фалақдан олис-олис даштга энгашиб.

Осмон ила даштнинг хубида олис-олис йўл олар хаёл. Шивирлар кангулнинг тубида Чексизликка талпиниб савол.

...Таътил тугар. Яна шаҳарга Икром — ғариб жуссанг йўл олар. Дов бермас қайрилиб қарарга — юрагинг узилиб қолар.

Қайтасан, ёлларингни олиб, Қашқадайро — титилган тасма. Соғинчларин кангулга солиб — термилгунча қолади Касби.

Қум босиб, чашмалари тинган, қайранлар шўриш ютган жар. Лайлақлари қайтмайин кетган — доғин сўрган Султон Мирхайдар.

Тўриқлар дупуридан босмон, тўлганиб-тўлганиб тушган бўз.

Янтоқларнинг ялагини — осмон, кўзигуллар мунчоғини — юлдуз. Қизгалдоқлар ноласини — тўрғай неларинидир сўйлар живиллаб. Поезд пойни остидан пай-пай Тўкилади йўллар шивиллаб.

Қарайсан, вагон ойнасидан ой кокилларин энкайтиради. Кенгликларга айландинг бир ой, бир ой руҳинг кенгайтиради...

...Кўп оғир эрур нажот изтироби — лаҳза шитобида мункиб саволлар.



Тойрилиб таркибин интик сироби уланади имтихонга жавоблар.

Боғланади хижрон имтихони — сабр, сабр имтихони хижронга йўллайди. Муқаддас мавруднинг мавруди кабир, муқаддас сабрнинг мадори қўллайди.

Иноят тақози — кангул макони, кангул макони — тааммул шикан. Бағрига жойлайдир сабр имконин, пайваста сираси таянчли экан.

Сабр илтижоси — имтихон олами — унутмай нурларан саносин қутиш. Розилик ўйлари, идрок йўлами — имтихон мохиятин шартидир ўтиш.

Кўп оғир эрур нажот изтироби — лаҳза шитобида мункиб саволлар. Тойрилиб таркибин интик сироби уланади имтихонга жавоблар...

...Кенгликлар хавоси мусаффо, гардсиз, шабнамдек бегубор, шабнамдек тиник.

Заминга ристаси туташган чексиз осмон зангор, осмон баланд, осмон энтик.

Қанотларин ёйиб кўкларга довур, чарх урар тўрғайлар кўк денгизиди. Кенгликлар ҳикмати гўзал тасаввур асрори ўзида, сирини ўзида.

Эркалаб силайди мардона насим, сулув кўзигуллар яфроқларини. Пайваста айлағум жонимга сим-сим, жонимга жон бўлган туфроқларини.

Канглумда тотланар тоғи хуш анқиб, кизгалдоқ, чучмома, анғиз ифори. Шамдан таралади харорат балқиб, камарнинг нурлари ёзар сифорин.

Кенгликлар соғинчи канглум тўлдириб, кенгликлар соғинчи канглум марқадиди. Уфқлар отини борар елдириб, хаёлимни етказмай қочар сарҳадиди.

Найлай, кенгликларга талпинар кангул, хотиралар, армонлар махзун елади. найлай, бул бағрининг бағрида буткул бағир бўлиб қолгим келади.

Кенгликлар хавоси мусаффо, гардсиз, шабнамдай бегубор, шабнамдай тиник. Заминга ристаси туташган чексиз осмон зангор, осмон баланд, осмон энтик...

...Халқим, ўзлингга гўбор кўнмасин, Аждодлар чирогин нури сўнмасин, Кўзларингга зинхор ёшлар унмасин, Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Кангул майдонимда ўсган сабримсан, Оқибат-оримга тўла мардимсан, Қадримни тик тутган — баланд қадримсан, Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Табаррук туфроғинг бағрига бойлан, Хурлик насибасин жойига жойлан, Жовид вақтнинг жовудига айлан, Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Берган-берганини бир кун сўрайди, Минг хил миннат, минг таънага ўрайди, Илдолий сира ҳеч поримайди, Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Сабаб ва таадду мўлдири ниҳоят, Ўзин оқлаш учун тўқир ривоят, Руҳи ўнгининг ўзи айлар иноят, Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

Идрокдан йўғрилган асил иродинг, Ғам кўрсагин, ғаминг канглум тилоди, Мехрининг мехрига жодир муродим, Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

У йўлдан-бу йўлга турналиб кўп бор, Келиб-кетаверар йўловчи бисёр... Эътиқодга қувват бўлиб интизор — Ватан сувратига суврат бўл, халқим!

...Сукут садоси — сукут, дилим макониди соғинчидир. одам, сукутни қалбингга кут, пайдар-пайки, қалбингдан индир.

...Сукут садоси — сукут,

Одам, сукутга бағрингни тут, бағрингни мўлом сирлатсин сиринг.

...Сукут садоси — сукут, нигоҳим жовдираб термулар. Одам, Сукутинг қандайин кут, Қандайин гирдобларин илар?

...Сукут садоси — сукут, қайғумнинг муниси қайғумдир. Одам, Сукутдан дардингни ют, экиб борар дардингни зимдир.

...Сукут садоси — сукут, канглум, бўй торг сукутда, илло! Одам, сукутингда боринг бут, сукутингда яшар, тавалло!

...Сукут садоси — сукут...

...Ўзига илтижо қиламан, Ўзига интилиб дамодам. Осмонга термилиб толаман, сингилар Ўзига осмон ҳам.

Қиламан Ўзига илтижо, дамодам Ўзига интилиб. Заминнинг кўксиди доғлар жо, зор-зор боқар замин титилиб.

Илтижо қиламан Ўзига, интилиб дамодам Ўзига. Канглумда жойлашган бўзига улағайман канглум Ўзига...

... Биз билмаган манзиллар кўп дунёда, Заминга чамбарчас томир — мағлаби. Тоғга елка тутиб, ўзи қиёда — Назарга тушмаган адрлар каби.

У ерларда учган қушлар хаттоқи, Учрамас — кўп машхур, манзилларда йўқ. Дарахтларин тўпмас, сийрақдир, балки, Лекин мевалари мағзли ва тўқ.

Билмоқ учун зотан ихтиёр қамдир, Тасаввурнинг доим етмас қудрати. Манзиллар расмини чизмоққа, ахир, Ўзларига ўхшатиб.

Дунё харитасини ёнида туриб, Жуғрофия дарсида муаллимнинг Кўрсаткичи сакраб-сакраб, югуриб Кўрсатади манзилларни.

Шундай тез ўтамин улар ёнидан, Кўзларда тасвири қолар ё қолмас. Фикр бўлинади. Қўнғирок бирдан Танаффусга ундаб берганида сас.

Нотаниш манзиллар — кангулда хайрат, Қадимлар ундовдир, қадимлар сўрок. Уларнинг бағрига мумкиндин фақат Мехр бошлаган йўл билан кирмоқ.

Талпинанман нотаниш манзилларга: Кангулда хаяжон туширган мехр — Умид билан биргама-бирга, Кўксимга қадаб ол туғро — мехр...

Суратда: шоир Икром Отамурод оила аъзолари билан.

Муҳаббат ҲАМИДОВА



тун борлиқни сеҳрлайди. Эҳтимол, ана шу сеҳр, офтоб кўрсатган мехр нозанин гунчани яйратиб юборди. У гўзаллиқни қизғониб бағрига беркитган камзулини назокат билан ечиб бор хусни малоҳатини кўз-кўзлашга аҳд қилди...

Ох, унинг баҳмалдек қирмизи гулбарглари шу қадар нафис, шу қадар ибодил эдики... Бу гўзалликдан лол қолган сабо: "Бу не

ҚИРМИЗИ ГҮЛ

мўъжиза, бу не латофат!" дея аста гулбаргларга лаб босди. Гул уятдан лов-лов ёнди. Атрофга муаттар бўй таралди. Гулзорда гул танаффути боларино назикатга капалақлар бу ифор эгасини дарҳол излаб топишди. Болари билдирмай бўса олди, капалақ харир қанотлари билан унинг юзларини силаб қўйди. Гулзор ёнидан ўтаётган одамлар ҳам панжара ортидаги бу гўзалга сукланиб қарашар, оёқлари беихтиёр юришдан тўхтар, димоғлар бу бетакор ифордан тўйиб симирарди.

Бу илтифотлар, бу эътиборлардан гурурланиб кундан-кун чиройига чирой, хуснига хусн қўшилган гул... Аммо... Бир оқшом гулзор эгаси фаромуш бўлиб панжара эшикни ёпишни унутди. Осмондаги тўлин Ой гулзорни, унинг малякаси қирмизи гулни ўзининг ипак нурлари оғушига олди. Юлдузлар ҳам ўзларидан-да гўзал хилқатга хўрсиниб, рашк ила термулди.

ҚАТРАЛАР

ЯХШИСИНИ КИЁЛМАСМИНИ

– Дадаси, – деди Кимё опа хўжайинини ишга кузатаётиб, – ўғлингизнинг туфлисиди йиртилиб қолганмиш. Мактабга кийиб боришга оёғида йўқ.

– Йўғ-е, яқинда чет эл сафаридан кроссовка билан этик олиб келгандим-ку! Сигмай қолдимми?

– Хайронман, шунақа деди-ку. Яхшиси ўғлингизнинг ўзи билан гаплашинг. Рустам ака соатига норозиланиб кўз ташлаб қўйди-да, ошхонага қайтди.

– Исломбек, аянг нима дедиги? Наҳотки кийишга яроқли пойабзалинг бўлмаса?! – сўради ўғлидан.

– Бор, битта эмас, бир нечта. Аммо мен уларни кийгани уяламан.

– Нега, шунчалик эскимми? – хайрон бўлди Рустам ака. – Қани, мен бир кўрай-чи.

– Юринг, – Исломбек дадасини хонасига бошлади. Қара буларнинг бежиримлигини. Яна ҳаммаси чет элники бўлса. Нимаси ёқмайди?

– Дада, сиз эмас, мен хижолатдаман. Уларни ёқмагани учун эмас, аксинча, жуда яхшилигини учун киёлмайман. Кийиб боришга ўртоқларимдан уяламан.

нархга сени хурсанд қилай деб олиб келсаму гапингни қара. Энг зўр дўконлардан ҳам бунақасини тополмайсан, – жазали чикди Рустам ақанинг.

– Ана шунинг учун ҳам уяламан. Чунки кўпчилик ўртоқларимнинг ота-онаси болаларига бундай қимматбахо оёқ кийим олиб беришмайди. Уларни кийиб бориш мактанчоқлик бўлади. Улар ўқиб қолади. Дадажон, илтимос, менга ҳам ўртоқларимникига ўхшаган оддийроқ туфли олиб беринг!

Ўғлининг овозидаги узрли оҳангдан Рустам ака ғалати бўлиб кетди. Қутилмаганда дили равшан тортиб, жиймайди. Қулоғи остиди бундан икки йилча аввал эрталаб ишга опланаётиб хотини билан бўлган суҳбат шаранглади.

– Дадаси, барака топгур, нега арчага ўхшаб фақат битта костюм-шимга ёпишиб олгансиз. Жавонда нечта костюм-шим кийишингизга илҳақ турибди!

– Хоним, мени тўғри тушунинг. Уларни кийиш мавриди келиб қолар. Аммо ишхонадаги ҳамкасбларим сипоғина кийинишадди. Нега энди мен улар орасида оқ қарғадай ажралиб туришим, бойлигимни кўз-кўз қилиб мактаннишим керак...

Ўшанда ўғли ўзига хурсанд қараб қўйганди. Демак... Рустам ака ўғлининг елкасига мехр билан кокиб қўйди-да, индамай чўнтагига қўл солди...

ИЖОД САОДАТИ

Давоми, бошланиши 1- саҳифада

– Сиз ўзбек адабиётининг Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Усмон Қўчқор ва бошқа кўп вақиллари билан мулоқотда бўлганда, “омма адабиёти” ўзига кенгрок майдонни олишга ҳаракат қиляпти. Ҳозирги адабий муҳитни, дейлик, XX асрнинг иккинчи ярмидаги кайфият билан солиштириб бўлмайди. Шундай пайтда, албатта, савол туғилади: адабиётнинг вазифаси нимадан иборат бўлиши керак?

– Адабиёт майдонида кириб келаётган ёш ёзувчиларни баъзида тез муваффақиятга эришиши истаги кийнайдими, шухрат қозониши улар шундай тушунадилар. “Енгил адабиёт”га интилиш мана шундан келиб чиқади. “Енгил адабиёт”ни аслида “енгил оёқ” адабиёт дейилса, тўғрироқ бўларди. Лекин ахдабга шухрат учун эмас, аввало, ўзининг қалбидаги туйғулар ва фикрларини, ўзини кийнаётган муаммоларни ифодаш учун келган ёзувчида бола-ларга хос бу касаллик ўтиб кетади. Ёзувчилик меҳнатининг бир лаҳзалик эмас, хақиқий қувончларини англаш вақти келади. Айтганча, меҳнат тўғрисида. Ёшлар ичида ёзувчилик дунёдаги энг машаққатли меҳнатлардан бири эканлигини охиригача тушуниб етганлар кўпми? Ёзувчи нафақат кунига 24 соат (ухлаб туш кўраётган пайти ҳам), балки дам олиш кунларисиз, таътилларисиз ишлайди. У фақат ёзув столи устидагина ишламайди. У ҳар кун, ҳамма ерда, ҳар соатда ишлайди, яъни одамларни кузатади, деталларни, тафсилотларни эслаб қолади, одамларнинг сўзлашишига, тилига қулоқ солади, мушоахада юритади, тасаввур қиладди, кўрганларини, ўйлаганларини хотирасига қайд қиладди ёки ўз фикрларини ўзи рад этади.

– Бугунги кунда ижодкорнинг ижодкор ва фуқаро сифатидаги бурчларини қандай изоҳлаган бўлардингиз?
– Менинча, ёзувчида ижодкорлик бурчи билан фуқаролик бурчи ўртасида зиддият бўлмаслиги керак. Хақиқий ёзувчининг хақиқат фуқаролик позицияси бор, фақат у кўз-кўз қилинмайди, баландпарвоз жумлалар билан баралла айтилмайди. Лекин айна дамда у муаллифнинг ҳар бир фикрида, ҳар бир ижодий ишида мавжуд бўлади.

– Мамлакатлараро, миллатлараро тоғувлиқни, диний бағрикенгликни қарор топтиришда маданиятнинг, ҳусусан, адабиётнинг ролини нималарда кўрасиз?
– Маданият ва унинг аҳамиятли қисми – адабиёт, менинча, англашга, тушунишга хизмат қилиши керак. Бошқа, сенинг эътиқо-

диндан фарқ қилувчи позицияларни, бошқа, бегона миллий ва диний моҳиятни тушуниш мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничиликнинг кафолатидир.

– Сиз Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги 1987 йилдан бери раҳбарлик қиласиз. Бугунги кунда ташкилот фаолиятининг асосий тамойиллари нималардан иборат? Ўтган давр озарбайжон ёзувчиларининг ижтимоий фаолиятига қандай ўзгаришлар киритди?
– Аслида мен Озарбайжон Ёзувчилар бирлигига 34 йилдан бери раҳбарлик қиламан. Ҳаммага маълумки, ушбу ўттиз йилдан ортқирок вақт мобайнида жамият, мамлакат ва жаҳон ҳаётида улкан, таъбир жоиз бўлса, туб ўзгаришлар, эврилишлар содир бўлди. Биз бир минг йилликдан иккинчисига қадам қўйдикки эмас, балки бир сиёсий тузумдан бошқасига ўтдик. Совет Иттифоқи таркибидеги иттифоқдош республикадан мустақил давлат мақомига чиқдик. Режалаштириш тизимидан бозор иқтисодиётига ўтдик. Тоталитар режимнинг каттагина босқичидан демократия куртақларига томон юз бурдик. Ушбу барча ўзгаришлар Озарбайжон учун фожеали воқеалар – қўшни давлатнинг таъжовузи натижасида азалий ҳудудимизнинг ўттиз йил давомида истило остида бўлиши, миллионлаб қочоқларнинг қулфатлари ичида кечди. Мен тарихимизнинг ушбу фожеали саҳифалари ўтиб кетган, 2020 йил кузида кечган 44 кунлик уруш охирида эришган галабамиз мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини тиклаган кунларда саволларингизга жавоб бераётганимдан бахтиёрман. Табиийки, бу воқеалар бизда яратилган асарларнинг мавзусида ҳам, руҳиятида ҳам акс этмаслиги мумкин эмас эди. Ёзувчиларимиз, шу жумладан, публицистика жанрида бизнинг аҳволимиз ҳақидаги ҳақиқатни – биз босқинчи эмаслигимизни, бегона ернинг бир қаричини ҳам босиб олганганимизни, душман эса ҳудудимизнинг йиғирма фоизини эгаллаб олганини дунёга етказишга ҳаракат қилишди.

БМТнинг босиб олинган ерларни зудлик билан қайтариш талаб этилган тўртта резолюцияси қўшни давлат учун бир парча қоғоз бўлди, холос. У талабларни бажаришни ўйламади ҳам. Бу резолюцияларни бир неча ўн йиллар ўтиб Озарбайжон Республикаси Президенти ва мамлакат Қуролини Қучлари Олий Бош қўмондони Илҳом Ҳайдар ўғли Алиев раҳбарлигида бизнинг шавкатли армиямиз бажарди.

Тоғли Қорабғор зиддиятининг биринчи кунлариданок Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги аниқ фуқаролик ўрнини эгаллади, мамлакат ичкарисиде ҳам, хорижда ҳам турли учрашуларда, конференция, форум, телеканаллар ва матбуот саҳифаларида Ватанимиз манфаатларини химоя қилди. СССР халқ депутати бўлиб ишлаган пайтларимда мен қатор озарбайжон депутатлари билан бирга ўша пайтдаги давлат раҳбари Михаил Горбачёв билан кўришиб, ўз позициямизни билдирганман. Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги фаолиятининг асосий тамойилларига келсак, ташкилот, аввало, турли авлодга мансуб ва

турли йўналишда ижод қилаётган ёзувчи ва шоирларни бирлаштиради. Ташкилотимиз адабий журналларимиз ва газеталаримизни, Таржима марказимизни сақлаб қолиб, ҳозирги, кўп наشريётлар тижорат нуктаи назаридан шунчаки чиқитга ташлашга арзирлик китоблар чоп этаётган замонда асл адабиётни нашр этиш кафолатини зиммасига олиб турибди. Ташкилотимиз турли сиёсий нуктаи назарга эга бўлган ёзувчи ва шоирларни ижод асосида бирлаштиришти, ёзувчиларимизнинг баъзилари турли партияларнинг аъзоси ҳисобланади. Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги турли халқро адабий тадбирларни ташкил этиш ёки уларда қатнашиш билан ўзбек, турк, рус ва бошқа адабиётлар билан алоқаларини мустаҳкамлаётти, кекса ижодкорларга ғамхўрлик қиляпти ва стипендиялар, мукофотлар, китобларини нашр этиш, муҳокама қилиш йўли билан ёшларга ёрдам берапти.

– Ўзбек ёзувчилари озарбайжон адабиёти, ҳусусан, замонавий озарбайжон адабиётига қизиқиш билан қарайдилар. Тошкентда сизнинг ҳикояларингиздан иборат “Кўзмишчак” тўплами чоп этилди, Ганира Пошасева, Фироз Мустафо, Сўна Валиева, Лайло Алиева каби ижодкорларнинг китоблари босилди... Бизни бугунги кунда озарбайжон адабиётига кириб келаётган ёшлар қизиқтирмакда. Сиз улардан кимларнинг ижодини таъқидлаб кўрсатган бўлардингиз? Ўзбек ёзувчиларидан кимларнинг асарларини қизиқиб мутолаа қилгансиз?
– Мен, албатта, озарбайжон ижодкорларининг китоблари каторида Тошкентда менинг ҳам “Кўзмишчак” номи қиссам нашр этилганидан хурсандман. Бу менинг Ўзбекистонда чоп этилган бешинчи китобим. Муқимий номидаги мусикали драма ва комедия театри ўз вақтида менинг “Занжир” номи пьесам асосида бастакор Эдуард Қалантаровнинг мусикали комедиясини саҳнага қўйганини ҳам миннатдорлик билан эслайман.

Мен асарлари ўзбек тилига таржима этилишига муносиб талайгина ёш ёзувчиларимизнинг исмларини айтишим мумкин. Лекин менинг Ёзувчилар бирлиги раиси деган лавозимим ҳудуди шундай муносиб бошқа ёзувчиларни хафа қилмаслик учун аниқ кимнидир кўрсатишга имкон бермайди. Айнан шу сабаб билан ижоди менда қизиқиш уйғотган ўзбек ёзувчиларининг номларини аям йўлдан қўя қолай.

– Бизда озарбайжон адабиёти таржимонларининг янги авлоди етишиб чиқяпти. Уларга тилагингиз?
– Бу майдонга кирган янги авлод таржимонларига муваффақиятдан бошқа яна қандай тилагим бўлиши мумкин?

– Ёш ўзбек ёзувчиларига тилагингиз?
– Менинг ёш ўзбек ёзувчиларига тилагим озарбайжонлик ёш ёзувчиларга айтган тилагим билан бир хил. Тинмай, астойдил ишланг, шухрат ҳақида ўйланман. Шухрат ўзи келади. Балки кеч келар. Ёки умуман келмас. Лекин буни қўлдан деб билманг. Ижод жараёни ошқиклик каби улкан бахт, у шу қадар улкан саодатки, барча машаққатларни, хатто муваффақиятсизликни ҳам ювиб юборади.

Адиб Нормурод Норқобилов асарларида ёввойи жониворлар қаторида уй ҳайвонларига ҳам катта эътибор қаратади. Уй ҳайвонлари орасида итлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай асарлар орасида “Оқбўйин” қиссаси алоҳида ўринга эга. Бу қиссани ўқиб, китобхонда инсон инсонга бўри экан, қайтанга инсондан ҳайвон яхшироқ экан, деган хулосалар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

ИҶОД ВА ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ

Тоғай Мурод бир пайтлар “биз табиятни бозорга солдик, ҳайвонларни бадном қилдик. Жониворларни хоҳлаган кўйимизга солдик, кўгирчоқ қилиб ўйнадик. Агар ҳайвонлар маъмурияти бўлганида, жуда кўп ҳайвонлар, хусусан, бўрилар билан итлар қўлдан-қўл ижодкорларни сулга берар, жуда кўп ижодкорлар жиний жавобгарликка тортилиб кетарди,” деган эди.

Айни шу фикрни Нормурод Норқобилов ҳам тасдиқлайди. Адиб борлик, табият ва жониворларни ўрганиш учун ўттиз йилдан зиёд вақт давомида ўлкамиздаги қанчадан-қанчадан тоғу тош, дала-дашларни, Қизилқум ва Қорақум саҳроларини кезиб чиқди. Адиб айик, бўри, тулки ва бошқа жониворлар табиятини ўрганиш билан чеklangиб қолмай, Ҳисор тоғининг энг банд чўққилирида бизда ноёб тур ҳисобланган қор қоплонини ҳам кузатиш бахтига муяссар бўлди.

Бу ҳақда Н.Норқобилов шундай дейди: “Қоплон жасур, ўз навбатида, ўта содда жонивор. Унинг соддалиги шундаки, у ўзига тегишли ҳудудда яроқ тутган овчига дуч келиб қолар бўлса, бўридек ўзини четга олмайди, тулқидек айёрликни ишга солмайди. “Тезроқ қорангни ўчир бу ердан!” – дегандай бигиллаб, овчига тайёр нишон бўлиб тураверади.”

Адиб шундай дея сарғайиб кетган бир суратни менга кўрсатиб дейди: “Тоғу тошлар билан дўст тутинмоғимга сабабчи бўлган устозим Хуррам овчининг сурати бу. Саккиз ёшимда бу кишига соядай эргашганман, тўккиз ёшимда “Паҳмоқ” отлик айикчани ҳам устозим билан кузатганман. Устозим овчи эса-да, тулқидан ўзга жониворни овламасди. “Паҳмоқ” масаласига келсак, болалардек содда устозимга кимдир, “айик боласини тутиб, ҳайвонот боғига топширсанг, бир новвоснинг пулини беришад”, деган экан. У киши камгап, эринмаган одам эди. Кунлаб пистирмада пойлаб ётиши мумкин эди. Пистирмада ётиши у кишидан ўрганганман. Хуллас, биз изидан тушган етим айикча шум эди, ўлгудек хушёр эди. Бизни кўриши билан арчалар оралаб кетарди, қалин бутазорга ўзини уради. Устоз иккимиз унинг изидан тушиб, тоғдаги не бир дараларни кезинмадик, тоғнинг не бир сирли жойларида бўлмадик. Тоғларда туз қонлари мавжудлигини, яраланган жониворлар чўмилиб, шифо топадиган сасиқ суви қайнар булоқлар борлигини ўшанда билганман. Биз Паҳмоқ изидан ярим йилча овора бўлдик. Паҳмоқ бизни хақиқат билан олларди. Лекин у туфайли тоғу тошларни бас деганча кезиндик, сирли масканларда тонларни оқартирдик. Яғринида қора тусли, ўсик

жулли шапалоқдай ямоғи борлиги учун уни тез танирдим. Қора ямоқдаги жуллири паҳмайиб тургани сабабли устозим уни “Паҳмоқ” номлаган эди. Дарвоқе, қон тўкиш, жон олиш касдида эмаслигимизни вужудимиздан таралаётган биоқувватдан сезгани учунми у гоҳ эркаланиб, гоҳ эса мазахлаб қочарди...”

Адиб таъқидлаганидек, инсон инсоннинг кимлигини юз-кўзидан, жониворлар эса унинг қанақалигини вужудидан таралаётган биоқувватдан билади. Кишининг қиёфаси алдаши мумкин, лекин унинг вужудидан таралаётган биоқувват ҳеч қачон алдамайди. Буни фақат жониворларгина сеза олади. Чунки она табият уларга шундай ноёб хусусиятни инъом этган. Она табият ҳамда жониворлардаги бу каби фаройиб хусусиятларни ўрганмоқ учун эса, ёзувчи айтганидек, йиллар давомида даштга тўшақ тутиб, тоғлардан бошиш ўрнида фойдаланиш лозим.

Инглиз ёзувчиларидан бири Э.Сетон-Томпсон “Мен билган ҳайвонлар” номи биринчи ҳикоялар тўпламини 1898 йили эълон қилди. Америка адабиётида илҳи бора унинг ҳикояларида ҳайвонларнинг ҳаёти, уларнинг ҳатти-ҳаракати ва турмуш тарзи ҳаққоний ва ёркин тасвирлаб берилди. Унинг асарлари қаҳрамонлари, асосан, ёввойи ҳайвонлар. Улар табият кўйида – ўрмонларда, тоғу тошларда, кир-адирларда яшайди.

Н.Норқобиловнинг ҳайвонлар ҳаёти тасвирланган асарларида кўпинча инсон жониворларнинг ашаддий душмани сифатида олинади. Зеро, мазкур асарларда одамлар ва жониворлар ўртасида жиддий кураш боради. Одамлар, асосан, ов қиладди, шу билан жониворларга киргин келтиради (Оқбўйин). Қолбунга, бу курашда фақат жониворлар энгиллигина қолмайди. Улар баъзан киргинчилар билан бирга ҳалок бўлади. Табият ва инсон мавзуси ҳамма замондан ҳам бугун янада долзарблик касб этмоқда. Чунки ўрмонларда кесил, чўлларни ўзлаштириш, турли қўл ва дарёларнинг ифлосланиши ва қуриши экологияга салбий таъсир этиб, бутун башариётнинг улкан муаммосига айланаб бўлди. Хақиқатта табият орасида юрган адиб Н.Норқобиловнинг ўз асарларида табиятни асраш, инсон ва жониворларни ҳамжихат ва тинч-тотув яшати госянини бош мавзу қилиб кўтариши бежиз эмас. Зеро, биз она табиятни тоза ва соф асраган, ҳайвонот олами, айниқса, нодир жониворларнинг йўқолиб кетишига чек қўйган ҳолдагина сайёрамизда табият ва инсон мувозанатини сақлаб қолишимиз мумкин.

Шахноза АШУРОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

ОЙБЕКНИНГ КЎЗ ЁШИ



бошини эғди жувон. – Лекин асл мол. Ранги кетмаган. Қаддингизга мувофиқ. Кийиб кўрасизми?
Ойбек пальтони кийиб кўриб:
– Қанча? – сўради. “Ёмонмас, иссиққина экан. Осмондан келмаса, олишим мумкин”.
Аёл мўлжаллидаги баҳони айтдию Ойбек унинг овози титраб чиққанини сезди. “Ночорга ўхшайди. Савдолашиб ўтирмай, сўраганини берворай”.
Ойбек пальтони олиб, аёл сўраган пулни берди. Жувоннинг кўзи чакнагандай бўлди. “Барака топкур, диёнатли эканми. Айтган пулимни берди-я!”
– Раҳмат, раҳмат. Яхши кунларингизда кийинг!
Ойбек домла пальтони олиб уч-тўрт кадам юрдию беихтиёр ортига қаради. Аёл ерда ўтирар, кўзларидан ёш тиркираб чиқарди. Қайтиб борди ва:
– Нима бўлди, синглим? – сўради.
– Эътибор берманг, илтимос. Кетаветиринг.
– Нега йинглаяпсиз?
Аёл юзини қафти билан тўсаркан:
– Эрим кўз ўнгимда жонланди, – леди ғамгин. – Сизникидай эди буй-баста. Уч-тўрт мартагина кийганди.
– Эрингиз... фронтдами?
– Фронтда эди. Қора хат келди, – аёл маъносига ерга қаради.
Адибнинг аъзойи бадани титраб кетди. Сўради:
– Узр, болаларингиз борми?
– Ўғилчам тетапоя. Ейишга ҳеч нарса қолмаган. Нимамизни бозорга

опчиксак экан деб кўп ўйладим-у... Лекин яхши пул бердингиз пальтога. Катта раҳмат!
– Тетапоя денг. Яхши. Мактабга чикади ҳадемай. Ўқийди ва... “катта одам” бўлади. Мени айтди дерсиз. Унут бўлади бу кунлар. Энди... олиб қўйинг палтони, – харидини жувоннинг ёнига қўйди Ойбек.
– Э, э, нега? – қайтариб беряптими деган ҳаёл билан ранги оқариб кетди аёлнинг.
– Буни сотманг. Катта бўлганида ўғилчангиз кияди.
– Лекин... сотдим-ку. Олмайсизми?
– Олдим. Бу пальто меники. Лекин энди... ўғилчангизга мендан совга. Адресини ёзиб бераман. Ўғилчингиз катта ўқишларни тугатиб, катта ишларга жойлашиб, катта одам бўлганида, балки қайтарар. Дарвоқе, исми нима?
– Самигжон.
– Самигжон уйимга боради сўроқлаб. Қуруқмас, совга билан боради. Пальто олиб боради, келишидими?
– Ака...
Ойбек шоша-пиша бир қозғачга нимадир ёзиб бериб, палтонинг устига қўйдию: “Яхши қолинг”, дея тез қадамлар билан узоклашиб кетди.
– Ака!
Чилла чиллалгини қилар, совуқ кишининг суяк-суяғидан ўтиб кетар, оташнафас шоирнинг юрагида эса аллақандай илиқлик. Кўз олдига халиги муштипар. “Нима қилаётган экан? Анграйганича қараяптими ҳамон? Обидийда қиляптими?”
Бирдан хаассо адибнинг ўпкаси тўлди. Титроқ бармоғи билан кўз ёшини арди.

ШАҲИНА



Шафқатсиз ажал Есенинни ҳаётдан бевақт олиб кетди. Совуқ хабарни эшитиб, бир пайтлар мархумнинг ёстиқдоши бўлган Анна, Зинаида, Галина, Айседора исмли хонимлар етиб келишди, шоирнинг сўнгги турмуш ўртоғи Софьянинг ёнидан жой олишди.
Чинал тақдирнинг нелити маълум. Мусикавий ашёр – ўлмас лирикада, фаройиб достонларда севги ва вафо қўшигини қуйлаб, шеърятга ошно, мухаббатга ҳамнафас кўнгилларни забт этган бетакрор шоирнинг мураккаб қисмати. Ҳаётида аёллар кўп бўлгани кўриниб турибди. Лекин бахтлимиди? Бахтли дамлари бўлганми?
Дарвоқе, яна бир маҳбубаси бор эди шоирнинг. Исми – Шагане. Унинг суратига тикилиб, Есенин “Форс тароналари”ни ёзди. Қалб таассуроти ажиб бир тарзда қозғоғта тушди.
Тожик шоири Лойик Шерали “Форс тароналари”ни ўз она тилига ўтираркан, “Шоҳона” номида аслагани Шагане. Есениннинг ўзбек таржимони Эркин Воҳидов эса Шаганега “Шахина” деб исм берди.
Шахинам, о менинг Шахинам, Шимол ёқда бир нозанин бор. Балки мен ўйлар ул санам... Шахинам, о менинг Шахинам.
Шагане ҳаёл маҳсулими ё тарихий шахс? Шагане ҳаётда бўлган. Фамилияси Тертерян (ай-

рим манбаларда Тарян). Арман кизи экани исп-шарифидан маълум. Сергей у билан Тбилисда танишган эди.

...1924-1925 йилларнинг кишини Есенин Батумида ўтказди. Ёнида эди нозанин Шагане. Қиз ўрта мактабда адабиётдан дарс берар, шеърят шайдоси эди. У Есенин лирикасини ифодали ўқир, бор вужуди нурли хисларга тўлар, улуг шоир ҳам ҳаётидаги беғубор ва саодатли онларини унинг ёнида ўтказарди. Ҳаётидаги аёлларнинг энг суяқлиси, кўнгли ва руҳиятига яқини ҳам Шагане-масмиди? Нега унинг исмини батакрор зикр этиб ўтди дилбар мисраларида?

“Форс тароналари”га зийнат берди кизнинг исми. Есенин Кавказ сарҳатидан олдин Тошкентда бўлган. Ана, у кўна Шошинг кўчаларида. Чойхоналарида. Ўзбек ховлиларида. Ўқимишли одамлар орасида. Тўйларда.

Тошкентда бўлганида шоир Аксана (Ксана) номи рус кизидан бошқа биронта аёлнинг юзини кўрмаган. Хонимларимиз хали паранжини ташламаганди. Есенин тўйларда бўлганида патнис кўтарган нозик қўлларгагина кўзи тушди, холос. Нозик қўлларга муносиб шарқона гўзал чехранга тасаввур қиларкан, мовий кўзли Шаганени кўз олдига келтириб:

Мен Босфорда бўлмаган ҳеч, Уни сўйлаб беролмам сенга. Лекин мовий кўзларинг хар кеч Денгиз бўйлаб кўринар менга — деб ёзганди улуг рус шоири.

У “Форс тароналари”да, ишора қилганимиздек, Шаганега қайта-қайта юз тутди. Юрагига яқин бу кизга маҳсус ёзган алоҳида шеърлари ҳам бисёр. Хусусан, “Бакинский рабочий”да босилган шундай шеърдан бири ўз даврида ниҳоятда машхур бўлган.

Сергей гарчи арман кизига уйланди ва оламдан ўтганида Анна, Зинаида, Галина, Айседора, Софья қаторида Шагане кўринмади, аммо уларнинг ишқ дostonи хануз қайта-қайта янрайд.

Муҳаммад ШОДИЙ

САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Хассос созанда, салоҳиятли бастакор, тажрибали устоз, Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулов ўзбек ижрочилик мактабининг кўзга кўринган вакилларида бирибур.

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилган Ў.Расуловнинг отаси Ҳожи Муҳаммад Содик санъатга ихлоси балинд инсон эди. Ўғлини ўзи билан бирга тўй-томошаларга, санъаткорлар иштирокида ўтадиган турли байрам ва йиғинларга олиб борарди. Отасидиги шижоат, меҳнаткашлик ёш Ўлмаснинг санъат йўлидаги кийинчиликлари энгишида ибрат бўлган. Чамаси, беш ёшида у оғир касалликка чалиниб, тўсатдан кўзи кўрмай қолган. Шу сабаб 1958 йилдан Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожизлар мактаб-интернатда таълим олди. Мактабдаги мусиқа тўрагаги раҳбари Ҳикмат Неъматов кўзи ожизлар учун махсус нота ёзувини Москвадан топтириб келиб, шогирдининг мусиқий саводини чиқаради. Бухоро санъат билим юртига киришига ҳам айнан шу инсон сабабчи бўлади. Мактабда ўқиб юрган кезлари мусиқа тўрагага катнаш бошлаган Ўлмас кейинчалик болалар ўртасида ўтказилган кўрик-танловларда фаол иштирок этади. Гижжак созининг дардли овози, мунгли навоси унинг мурғак қалбини аллақачон ром қилган эди.

Ёш ижрочи нота ёзувидан қандай фойдаланишни, жаҳон мусиқа асарларини Ҳикмат Неъматовдан ўрганган бўлса, гижжакда чалишни ўргатган, унинг ушбу чолгуга меҳрини оширган илк устози Аминжон Насриддиновдир. Ёш созанда дастлаб ҳозирги замон ўзбек бастакорларининг шаклан кичик асарларини ўзлаштириш бошлаб, кейинчалик мураккаброк чолгу куйларини чалишга ўтди. Олтинчи ва еттинчи синфларда ўқиб юрган чолғуларда илк ижодий тажриба сифатида устоз шоир Ҳабибийнинг шеърига куй басталади, "Бўстонларим бор" ашуласи дунёга келди. 1966 йилда созанда ижросида янграган машҳур "Сайёра" куйи илк марта "Ўзбекистон" радиосида ёзиб олинди.

Ў.Расулов Бухоро мусиқа билим юрти (ҳозирда Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаби)да макомдон устоз Маъруфжон Тошпўлатовдан

мумтоз мусикамиз дурдонаси бўлган макомларимизнинг чолгу ижрочилиги сирларини ўзлаштирди. 1969 — 1970 йилларда Бухоро шаҳрида ташкил қилинган маком ансамблига катнаш бошлади. Ўзбекистон халқ хофизини Моше Бобохонов раҳбарлигида ташкил қилинган ушбу жамоада Маъруфжон Тошпўлатов, Муҳаммад Нуоров, Абраш Бобоев, Ориф Атоев, Тўра Жўраев, Самежон Вохидов каби макомдон устозлар ҳамда созандалар бор эди. Ўлмас Расуловнинг келгусида мохир чолғучи ва изланувчан бастакор бўлишида мазкур ансамблдаги фаолияти катта таъсир кўрсатди. Айнан шу йиллари устоз М.Тошпўлатов билан биргаликда Бухоро вилоят радиоси фонотекаси учун бир неча маком йўллари магнит тасмасига ёздирди.



УСТОЗ ҲОФИЗ

1971 йили у Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга киргач, гижжак синфи бўйича доцент Обид Холмухамедовдан сабоқ олди, кейин Шарк мусикаси кафедраси очилиши муносабати билан Фахриддин Содиковдан маком ансамбли ижрочилигини, Маҳмуджон Муҳамедовдан Тошкент — Фарғона маком чолғу ва ашула йўллари, Исҳоқ Ражабовдан маком асосларини ўрганди. Консерваторияни муваффақиятли битириб, Бухоро мусиқа билим юр-

тига ишга келган Ў.Расулов бу ердаги меҳнат фаолияти давомида Эшпўлат Ортиков, Чўян Ҳамидов, Мавлуда Самандарова каби истеъдодлар шогирдларга устозлик қилди.

1983 йилнинг февраль ойида Консерваториянинг Катта залида Маком ижрочиларининг I республика танлови бўлиб ўтди. Ўлмас Расуловнинг салобатли, барқарор услубдаги ижро маҳорати юқори баҳолашиб, биринчи ўринга лойиқ топилди. 1987 йилдан эътиборан хонанда Консерваторияда иш бошлади. Айни пайтда ижодий изланишларини давом эттириб, "Зарафшон" ашула ва ракс ансамбли билан биргаликда эликдан ортик халқ куй ва қўшиқлари, бастакорлар ашуаларини магнит тасмасига ёздирди. Республика миқёсида ўтказилган мусиқий-маданий тадбирларда фаол иштирок этади. "Бобур", "Лайли ва Мажнун", "Кеча ва кундуз", "Имом ал-Бухорий" каби видеофильмларга мусиқа басталади. Ушбу фильмларга басталанган куй ва қўшиқлар Ўлмас Расуловни халққа танитди.

Шундан сўнг Бухоро давлат педагогика университетига маком ансамбли тузиб, унга раҳбарлик қилди. Гижжак, доира, ансамбль ихтисослигидан дарс бериб ва шу ихтисослик бўйича ўқув дастурларини тузди. Кейинчалик Тошкент мусиқа билим юртида гижжак, анъанавий хонандалик ҳамда ансамбль ихтисосликларидан дарс берди. 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Миллий қўшиқчилик" кафедрасида талабаларга анъанавий мусиқа ижрочилигидан сабоқ бериб келмоқда.

Моҳир гижжакчи, уч юзга яқин мусиқий асарлар муаллифи Ўлмас Расуловнинг мамлакатимиз маданияти ва санъати ривожидидаги самарали меҳнати муносиб баҳолашиб, унга 1993 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 2005 йили "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари берилди.

Илмий тафаккури кенг, ўзбек мусиқа меросини чуқур ўрганган, ижрочилик анъаналарини, унинг назарий ва амалий томонларини пухта эгаллаган ижодкор миллий мусикамиз хақида рисолалар, мақолалар ёзди, эътибор-

га лойиқ илмий изланишларни амалга оширди. Сўнгги йилларда бетақдор хонанда сифатида элга танилди. Унинг ижодий йўли, қизиқарли ва мазмунан бой асарлари ёш ижодкорлар учун ибратдир.

Ў.Расулов созандалик, хонандалик, бастакорлик ҳамда устозлик каби ижодий изланишлардан ташқари, 2003 йили ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган "Шашмаком сабоқлари" илмий-амалий машғулотларга доир мақола ва маърузалардан иборат биринчи тўпламда "Бухоро Шашмакомининг ижро услублари хақида", иккинчи тўпламда "Маком пардалари хақида" ва учинчи тўпламда "Шашмакомнинг парда асослари ва уларнинг куй ижросида зоҳир бўлиши" номили анъанавий йўналишдаги маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, у "Анъанавий хонандалик ўқитиш методикаси", "Кўзга айлансин кўнги", "Яккадон қўшиқчилик" каби илмий-назарий ва амалий рисола ҳамда ўқув қўланмаларнинг муаллифи ҳисобланади.

Республика миқёсида музакиллигининг 20 йиллиги муносабати билан хофиз ташаббускорлигида Бухоро вилоят Телерадиокомпанияси ҳузурда анъанавий йўналишдаги "Талкин" номили кўрсатув йўлга қўйилди. Ҳозирги кунгача мазкур кўрсатувда анъанавий ижрочиликка хос бўлган асарлар, яъни Шашмаком, Хоразм, Фарғона — Тошкент макомлари тарихидан жой олган куй ва ашулалар, шунингдек, бастакорлар ижодидан ўрин олган ҳамда халқ ижодидан ташкил топган мумтоз наволар янгича талқинда, устоз-шогирд анъанаси асосида кўрсатиб келинмоқда.

2020 йили Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композициялари ва бастакорлари уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбек миллий маком санъати маркази билан ҳамкорликда бастакорлар ўртасида "Маком йўлларида яратилган энг яхши асар" республика кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур танловда устоз Ўлмас Расулов ўзи басталаган "Мўғулчан Тўлқин" асари билан иштирок этиб, фахрли 3-ўринни кўлга киритди. Шунингдек, "Макомлар асосида яратилган энг яхши асар" йўналишида голиб бўлди.

Диловар ҚОДИРОВА, мусикашунос

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ДИРИЖЁРИ

Бу аёл Ўзбекистон мусиқа маданиятининг афсонаси. У оркестр оҳанглари селхри дирижёрлик таёқчаси билан ўзига шундай бўйсундирандики, композитор қалбидан кечган барча кечималар, ўй-хаёллар қўлларидан акс этади. Мухлислар унинг қўллари ҳаракатини қалби билан ҳис этади. Аёллик лаптофати, касбига садоқати ва матонати билан ўзбек мусиқа маданиятида чуқур из қолдирган.

ЯХШИЛАР ЁДИ



Халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси, профессор Дилбар Абдурахмонова нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда дунё таниган биринчи ўзбек аёл дирижёри эди. У билан ижодий ҳамкорликда ишлаш хар бир санъаткор учун катта бахт бўлиб, айни пайтда масъулият ҳам талаб қиларди. Оркестрни бутун вужуди билан бошқарар экан, ўзига хос ғайрати ва эҳтиросли темпераменти мусиқий асарнинг биринчи оҳангиданок сезилар ва барча мусиқачиларни бир мақсад сари йўналтирарди.

Дилбар Абдурахмонованинг отаси Ғулом Абдурахмонов узок йиллар Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида етакчи опера хонандаси, онаси Зухра Файзиева эса фольклор хонандаси сифатида фаолият юритишган. Ота-онанинг таълим-тарбияси натижаси ўларок кизлари мусиқачи, дирижёр бўлиб шаклланди. Дилбар Абдурахмонова журналист Н.Умарова билан бир суҳбатда ота-онани хақида шундай деган эди: "Отам мени доимо опера ва балет театрига олиб кетарди. Улар катнашган хар бир спектаклни кўрар эканман, бола калбим хайратга тушарди. Ҳатто бир кун "Лайли ва Мажнун" операсида отам Мажнун ролини ўйнаётди, халок бўлишини кўрганимда кўз ёшларим тинмаган. Шунда мени овутолмай, спектакль тутагач, парда ортига олиб ўтиб, "Мана кўраясанми, отанг тирик", дейишгачина кўз ёшларим тинган". Табиийки, Д.Абдурахмонованинг муваффақиятлари ва эришган ютуқларида устозларининг ҳам ўрни бекиёс. Хусусан, атоқли композитор, мохир педагог Мухтор Ашрафий унинг 24 ёшида Шарқда илк аёл дирижёр сифатида дирижёрлик пультага чиқишига сабабчи бўлган.

Сирасини айтганда, Катта театримизнинг ютуқларини Дилбар Абдурахмоновасиз тасаввур қилиш қийин. Санъаткор кариёр 60 йил дирижёр, 16 йил давомида эса бош дирижёр сифатида ижодий фаолият олиб бориб, 64та опера ва балет спектакллари бошқарди. Унинг ижодидан Д.Вердининг «Бал-маскарад», «Трубадур», «Травината», К.Сен-Сансининг «Самсон ва Далила», Ж.Россинининг «Севильялик сартарош», П.Чайковскийнинг «Пиковая дама», Ж.Бизенин «Кармен», Г.Доницеттининг «Севги шароби» каби жаҳон опера санъати дурдоналари ўрин олган эди. Бундан ташқари, балетларнинг ҳам мохир дирижёри эди. Балет мусикасини ва раққосларнинг имкониятларини жуда яхши хис қиларди. Унинг балет спектакллари орасида «Шопениана», «Богчасари фавораси», «Франческа да Римини», «Окуш қўли», «Карсилдок», «Корсар», «Дон Кихот», «Золушка» ва бошқалар бор.

Д.Абдурахмонова замонавий композициялар асарларини сахналаштиришга ҳам катта эътибор берган. А.Петровнинг «Петр I», «Оламнинг яратилиши», Р.Шчедрининг «Кармен сюита», Д.Шостаковичнинг «Ойимкиз ва безори», А.Меликовнинг «Икки дил достони», М.Ашрафийнинг «Бўрон» каби ғоят мураккаб асарларини сахналаштирган.

Камолiddин АЗИМОВ, Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси, дирижёр, композитор

кейин уйга жўнатиб юборишганини, уч-тўрт ой ўтиб казо қилганини амаким гапириб берган.

Орага оғир сукунат чўкди: "Эх, калвак! — ўзимни ўзим қойиб кетдим — Бирга ўсган, бирга ўкган, бир дона майзини бўлишиб еган, яхши ёмон кунларда ҳамроҳингга айланган дўстунинг отасини Ғиёс Соатий эканини билмаган экансан-да?"

— Нега шу пайтгача индамагансан? — сўрадим афсус ва хижолат аралаш ундан. — Ахир, у киши хақида эшитириш тайёрлаганимда отанг эканини каердан билибман?

— Қачон? — сўради у болаларча содалик билан. — Эшитмай қолибман...

— 1965 йили, Ғалабанинг 20 йиллиги арафасида...

— Ў-хў... Унда Ангрена, мактабда

инглиз тилидан дарс берардим. Ўзим билан ўзим овора эдим.

— Эх, огайни, огайни! Эртага, радиого бормиз, Ориф акам билан учраштириб қўяман, бир отамлашамиз.

Илёс хайралиб чиқиб кетди: биргина дилбар Ғазали боис боқийликка дахлдор Ғиёс Соатийнинг ўгли — биродарим Илёс ёши улгайиб, ували-жували бўлган; тиниб-тиничини, фарағатни хаёлига ҳам келтирмасди.

Умр боқий эмас. Ғиёс Соатийнинг ёлғиз ўгли, синфдошим Илёс Ғиёс ўгли яқинда бандаликни бажо келтирди. Ҳаётлигида падари киёфасини кўз олдига гира-шира келтириб, ўқиниб ўтган кадрдоним у дунёда ота дийдорига эришса, не соадат?!..

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ

БИР ҚЎШИҚ ТАРИХИ

Ёрни ойнақдин қаранг, ноз уйқуда ётганмикин, Ёки қилган нолишим уйқудан уйғотганмикин.

Биз тарафга бир келишни ихтиёр айлаб магар, Ёки мейдан ўзгани ҳам бемажол ётганмикин.

Агри бўйи ёр димоғига етишгач, эй сабо, Тонг шамоли қоқилин мушқини кўзғатганмикин.

Тун яримда кун туғилди, ёки бепарво чиқиб, Зулф аросидин юзини ойга кўрсатганмикин.

Офтоби талъати биз сори кўргазса жамол, Тўлган ой синган саполга ўзини ўхшатганмикин.

Кабкидек мастона парвоз айлаганда ул пари, Овчилар домига ўзини йўлда ушлатганмикин.

Асов Сўх дарёси ирмоғининг тошларини симобранг тўлқинлари оғзидан қўпик сочиб йўласини қуवालётган қоплондек пишқириб оқади. Ўзбекистон Қахрамони, ўймакор уста Абдугани Абдулаевнинг ирмоқ яқинидаги сўлимгина боғи. Улкан ҳовуз устида дид билан ўрнатилган сўрида меҳмонлару мезбонлар чордона қурган; уч кундирки, бу "боғи эрам"да Хўқанди латифлик дилқаш ошноларимизнинг ардоқли меҳмонларимиз. Уч кун бўлдики, қушлар сайғори жўрлидаги хофизлар хониши:

Ёрни ойнақдан қаранг, ноз уйқуда ётганмикин...

Сўрида ўтирганларнинг вужуди қуллоққа айланган. Ипақдек майин, назокатли хониш юракларни ўртайди:

Қоқили мастона парвоз айлаганда ул пари, Овчилар домига ўзини йўлда учратганмикин...

Ижро яқунланди. "Тасанно, омон бўлсинлар", дея сукутни бузди уста Абдугани.

— Анчадан буён бунақа мазза қилмагандим, — дея давом эттирди устаниннинг фикрини меҳмонларнинг ёши улгурмоғи. — Бекорга "Хўқанди латиф" дейишганим...

Кам сўзлаб, кўп тинглашни хуш кўрадиган уста Абдугани лўкма ташлади:

— Меҳмон, маъзур тутасиз, хофизимиз ёқдим?

— Нимасини айтасиз! — дея ўғирлидм хофизга. — Мактаб кўрган экансиз...

— Консерваторияни тутатгач, бир муддат радиода, Дони Зокиров оркестрида ишлаганман.

— Сезилиб турибди. Айтганча ғазал муаллифи ким, куйини ким басталаганидан хабардормисиз? — деб сўрадим.

— Муаллифи Соатий, куйи Имомжон Икромовники.

— Бастакорнинг исми-шарифини айтдингиз, бироқ шоирникини...

Билмас экан шекилли, хижолатдан ўнғайсизлибни кўзини олиб қочди. Хуллас, давраларга ғазал муаллифи хақида сўзлаб бердим.

— 1965 йилнинг март ойи эди, шекилли. Радиода ишлардим. Хонага Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла хофиз Зокиржон Султоновни бошлаб кириб келди. Салом-алиқдан сўнг Туроб ака мақсадга кўчди:

— Ғалабанинг йиғирманчи йили эшик тақиллатиб турибди. "Нафосат давраси"нинг махсус сонига зўр мавзу топиб келдик.

— Узук кўзига қадалган ёқутдек ярашиб тушади. Унутилган номлар, уруш қурбонлари. Шунанганга ғазал, шунанганга ижроки, — деди Зокир Султонов.

— Ғиёс Соатий деган шоирни, Қобилкори оғли хофизни эшитганмикин? — деди Туроб ака. — Иккови ҳам уруш қурбони. Биргина ғазал, биргина ижро билан мангуликка мухрланиш бахт эмасми!

— Эшитганман, албатта. Айтгандай, Қобилкори Сиддиқов миллий операмизнинг илк калдирғочларидан бўлиб, "Фарход ва Ширин"да Фарход партиясини бошлаган дейишади.

— Зулфияхонимнинг Қобилқорига атаб ёзган "Уни Фарход дер эдилар"



СЎЛИМ

номли балладасини ўқиганмикин? — деди Туроб ака.

— Опера солисти бўлатуриб, унисонда ҳам анойи эмаслигини исботлаб кетган раҳматли, — деди Зокир Султонов.

Шоир ва хофиз бири олиб, бири кўйиб жўшиб сўзларкан, қаерга ва нега келганини, мени — ўзларининг ёлғиз тингловчисини унутиб юборишгандек туюларди.

— Имомжон ака ўша йиллари чиқадиган газеталарнинг бирида "Ёрни ойнақдин қаранг..." сарлавҳали ғазалини тасодифан ўқиб, унинг шайдосига айланади, куй ўз-ўзидан жўшиб келаверади. Сўнг Қобилқорни чорлаб, машқни бошлаб юборди, киёмига етказгач, ҳамкасблари муҳокамасидан ўтказди, — деди Зокир Султонов сўзида давом этиб.

Туроб ака бош иргайди.

— Устоз Ўнус Ражабийдан эшитгандим бу гапни. — Кейин менга қараб деди: — Ғиёс Соатий Тошкентнинг Хофиз Кўҳақий маҳалласида таваллуд топган, тўқимачилик комбинатида ишлаган, завод-фабрика ишчилари хаваскорлик тўраганининг фаолларидан бўлган, машқлари газета ва журналларда бот-бот эълон қилинган. Ўттинчи йиллар аввалида радиода дикторлик ҳам қилган.

— Зўр-ку, — дедим хаяжонда, — албатта, радиода эшитириш тайёрлаб элга танитиш шарт.

— Ёзувчилар уюшмасининг кутуб-

хонасида "Тулшан" номили тўплами бор, — деди Туроб ака, — муқаддимада бу унинг учинчи китоби бўлиб, анча муқамаллиги таъкидланган. Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон" достонини ўзбекчага илк бор ўтиргани, "Сичкон билан қурбака" масали кўпчиликка манзур бўлгани қайд қилинган. Шоирнинг китоблари ва у хақдаги маълумотларни Юсуф Шомансурга таҳлил учун бергандим... Хуллас, бу ашула Ўзбек давлат филармониясининг концерт залидан биринчи марта янграган, — деди Туроб Тўла хофизга қараб.

— Йил яқунларига бағишланган ҳукумат тадбирида берилган катта концертда, — дея қўшимча қилди Зокир ака, — Қобилқори ашулани қайта-қайта айтганига қарамай, қарсақлар тинмаган.

— Биринчи қаторда сафдошлари билан завқланиб ўтирган ўша пайтдаги республика раҳбари Усмон Юсулов Имомжон Икромовни ҳузурига чорлаб: "Минг офарин, ашула шу даражада сўлим бўладики, тасанно", дея ташаккур изхор қилади. Шу-шу "Ёрни ойнақдин қаранг..." ғазали билан айтилаётган ашула "Сўлим"га айланган кетади, — дея хижояни яқунлаганимда тун яримлаб қолганди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари аввалида, чамаси, ўттиз йилча дийдорлашмаган синфдошим Илёс ҳузуринга кириб келди. Ўрта бўй, қорчадан келган, қушбурун, сўзлари дона-дона... Ўн йил бир партада ёнма-ён ўтириб ўқиган, бир бурда қора нон ёки зогорани талашиб-тортишиб еган дамлари эслаша кетдик.

Иттифоқо, эшик очилиб остонада макомчилар ансамблининг бадий раҳбари, устоз Юнус Ражабий шогирдларидан бири Ориф Алимаҳсумов пайдо бўлди. Саломлашдик. Устоз билан иш юзасидан гаплашиб олдик.

Орадан икки хафта ўтар-ўтмас яна Илёс келиб қолди:

— Ориф ака билан яқинроқ танишсам, — деди ҳазин овозда. — Раҳматли отамнинг "Ёрни ойнақдин қаранг..." ғазали билан айтилаётган ашулани бошлаб айтиб қўйдилар...

Дўстим кўнгидаги хижрон ва армон мени хаяжонга солди:

— Соатий даданми?

— Дадам, — шивирлади ва миждаларига ёш қалқди. — Жанг майдонига жароҳатланиб, бир неча кун халқобда қолиб кетиб, зотилжамга чалингандан

Галерея: Ўзбекистон халқ рассоми Незмат Қўзибаев ижодидан намуналар



Согувчи (1961).



Тогда (1957).



Манзара (1979).



Хотирлаш (2002).

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сонли қарори, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 9-сонли қарори ва 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги танлов эълон қилади

Танловга тақдим қилинадиган тарихий, замонавий драматик, мусикали драма ва кўғирчоқ пьесалари куйидаги йўналиш ва мавзуларда:
- буюк шахслар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти ёритилган;
- аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи бадий-ғоявий баркамол саҳна асарлари;
- фавқулодда ҳолатларда инсонийлик жасорати ва фидойилик намуналарини кўрсатган замонамиз қаҳрамонлари;
- олимлар, ҳарбийлар, ички ишлар, санъаткорлар, шифокорлар, ўқитувчилар, спортчилар, қурувчилар, ёш ихтирочилар;
- саҳаватпеша тadbirkorлар, фермерлар, деҳқонлар, чўпонлар;
- диний экстремизм, одам савдоси, миграция, гастербайтерлик, ОИТС;
- бугунги кун муаммолари ва ютуқлари, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, давримизнинг илғор аёллари ҳаёти акс этган, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, она ватанини кенг ўрганишга ва сайёҳларни жалб қилишга йўналиштирилган, инсонпарварлик ғояларини ўзда муҳажасам этган, ёшларга ибрат бўладиган тарихий, замонавий драматик, мусикали драма ва кўғирчоқ пьесалари бўлиши зарур.

Асарлар Маданият вазирлигига ариза орқали тақдим этилади.
Тақдим этиладиган асар ўзбек тилида, 2 нусхада (электрон варианты билан), компьютерда А4 форматда, 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиб, тарихий, замонавий драматик, мусикали драма-лар 30-35 саҳифадан, кўғирчоқ пьесалар эса 15 саҳифадан кам бўлмалиги зарур. Танловда ёшдан катъий назар, барча ижодкорлар драматургиянинг тарихий, замонавий драматик, мусикали драма ва кўғирчоқ пьесалар билан иштирок этиши мумкин.
Асар белгиланган тартибда юборилмаса, мурожаатлар кўриб чиқилмайди. Тақдим қилинган асарлар муаллифларга қайтариқ қилинмайди.
Барча асарлар нуфузли хайрат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Танлов ғолиблари 4 та йўналиш (тарихий, замонавий драматик, мусикали драма ва кўғирчоқ пьесалари) бўйича мукофотланади:
1-ўрин (тарихий драмалар йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 32 баробари;
1-ўрин (замонавий драматик асарлар йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 32 баробари;
1-ўрин (мусикали драма йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 32 баробари;
1-ўрин (кўғирчоқ пьеса йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 30 баробари;
2-ўрин (тарихий драма йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 30 баробари;
2-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 30 баробари;
2-ўрин (мусикали драма йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 30 баробари;
2-ўрин (кўғирчоқ пьеса йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 29 баробари;
3-ўрин (тарихий драма йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 29 баробари;
3-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 29 баробари;
3-ўрин (мусикали драма йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 29 баробари;
3-ўрин (кўғирчоқ пьеса йўналиши бўйича жами 1та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 28,1 баробарида.

Танловга ижодий ишлар 2021 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинади ва ғолиблар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

Асарлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармасига юборилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй. Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси.
Телефон: 256-85-28

БАТАН
Бир ажиб хис, бир ажиб туйғу,
Шуурингда топса эътибор.
Энг бокира, энг зилол севги
Ҳисси билан ёнсанг бетакрор.

Илик ҳислар сархуш тугёни,
Ишғол этса вуҷуду танни.
Унутсангу буткул дунёни
Жонингга жо этсанг Ватанини.

Севмоқ азму қароринг бўлса,
Севсанг, шуур – имонинг билан.
Дилда зарра губоринг бўлса,
Ювсанг факат ўз қонинг билан.

Севсанг шундай қайноқ ҳислар-ла,
Шундай оташ, шундай ишк билан.
На таъриф, на тавсиф этолсанг,
Уни на шеър, на кўшиқ билан.

Севсанг, севсанг шундай севсангки,
Барча носир, шоирдан зўрроқ.
Ва ҳеч қачон унинг шаънига,
Йиғлок байтлар битмасанг бироқ.

Қамолини куйласанг сармаст,
Ифтихору фаҳрга тўлиб.
Ўлсанг, ғамгин шоир эмас,
Энг бахтиёр куйчиси бўлиб.

Бир ажиб хис, бир ажиб туйғу.
Шуурингда топса эътибор.
Энг бокира, энг зилол севги
Ҳисси билан ёнсанг бетакрор.

ЛОЛА
Ой сузар осмонда осуда,
Телба дил бир гулни тусади.
Гулзордан изламоқ беҳуда,
У факат тоғларда ўсади.

Булутлар тамшанган дарада,
Кип-қизил оловдай ёнади.
Ўт билан ўйнашма, биродар,
Беқорга куйганинг қолади.

У баҳор кўркидан нишона,
Севги ва садоқат рамзидир,
Эй шоир, ўзингга ишонсанг,
Тоғларда ўлсанг ҳам арзийди.

ТАХАЙЮЛ
Сени гул атридан ихтиро этдим,
Орзулар кўйинида қилдим парварш.
Қалбим фирдавсини эҳтиром этдим,
Қамтарин севгимни айлаб намоёиш.

Дунё дунё бўлди, одамлар одам...
Хув, юксак қоялар жаннат кўринди.

Бургутлар кўшига кўяйлик қадам,
Юр энди, ёрижон, юр энди...
Юр энди, энг баланд чўққини кучиб,
Тунларни улайлик кундузлар билан.
Зериксак зуҳалу зуҳрога учиб,
Раксга тушайлик юлдузлар билан.

Сўнг арши аълони айлайлик тавоф,
Зулматни ағдариб нурлар экайлик.
Қамалак тўқиган адрасни қаваб,
Оппок булутлардан кўрпа тикайлик.

Ўйлама, умримиз ўтмағай бекор,
Лочину Бургутлар бўлгай боламиз.
Улар қамолдан қилиб ифтихор,
Қумрилар қавмидан келин оламиз.

Қақнусни қул қилар ёнар сўз билан,
Ғулгула соламиз иблис қалбига.
Бу даври фанодин ёруғ юз билан,
Сўнг кириб борамиз Семруғ олдиға.

Бир макон бор жаннатга монанд,
Адиллари баҳмал тўшаган.
Қўлингни бер, ҳақки худованд
Олиб кетай ўша гўшаға.



Бахтиёр ЖУМАН

Борар бўлсанг, олдингга пешвоз,
Чопиб чиқар ховлиқиб йўллар.
Оёғингга тўшаб поёндоз,
Қутиб олар очилиб гуллар.

У ерларнинг меҳри бошқача,
Бошқачадир ёш-у қариси,
Келин келса сочқилар соча
Яйраб кетар бари-бариси.

Шундай юртдан излаб келдим, ёр,
Гул гўнчалар атридан кешиб,
Бир умрга сархуш бўлгим бор,
Кўзларингнинг мавжидан ичиб.

Шул баҳрдан этсанг баҳраманд,
Ишқим йўқдир бошқа дарёға.
Қўлингни бер, ҳақки худованд
Олиб кетай Қашқадарёға.

Табаллаҳ кўнлар

Ортиқ Файзуллаев – 1 май (1933) – ёғоч ўймаkori, Ўзбекистон Бадий академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми.

Тургун Бекназаров – 1 май (1956) – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Бахтиёр Назаров – 2 май (1942) – рассом, Ўзбекистон Бадий академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

Нигина Анорбоева – 3 май – Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси.

Илёс Акбаров – 5 май (1909-2002) – мусикашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Асадилло Набиев – 5 май (1979) – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

МАЪНАВИЙ ЭЪТИҚЛАР

Инсон қадди бир тоғора хамирча бўлса-да, у осмондан ҳам, қуёшдан ҳам юксакдир. Чунки Аллоҳ таоло Ўзининг муқаддас каломида: “Биз (одам)нинг қадрини юксак қилдик, улуғладик”, дея марҳамат қилган.

Мавлоно Жалолидин РУМИЙ

Тadbirkorлар ва сармоядорлар диққатига!

“Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ дастлабки очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган дастлабки очиқ танлов савдоларига, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2021 йил 27 апрелдаги 105-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида қурилиши режалаштирилган савдо шохобчаларининг ижара олиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1.14-1-1-сонли савдо шохобчанинг майдони – 14,72м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 117 760 000 сўм.
2.14-1-2-сонли савдо шохобчанинг майдони – 14,72м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 117 760 000 сўм.
3.14-1-3-сонли савдо шохобчанинг майдони – 14,72м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 117 760 000 сўм.
4.14-1-4-сонли савдо шохобчанинг майдони – 14,72м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 117 760 000 сўм.
5.14-1-6-сонли савдо шохобчанинг майдони – 7,05м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 88 125 000 сўм.
6.14-1-7-сонли савдо шохобчанинг майдони – 7,05м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 88 125 000 сўм.
7.14-1-8-сонли савдо шохобчанинг майдони – 7,05м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 88 125 000 сўм.

8.12-15-22-сонли савдо шохобчанинг майдони – 18,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 72 000 000 сўм.
9.40-24-сонли савдо шохобчанинг майдони – 6,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм.
10.40-25-сонли савдо шохобчанинг майдони – 6,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм.
11.9-28-сонли савдо шохобчанинг майдони – 9,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 112 500 000 сўм.
12.9-29-сонли савдо шохобчанинг майдони – 9,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 112 500 000 сўм.
13.4-18-10-сонли савдо шохобчанинг майдони – 6,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм.
14.4-9-сонли савдо шохобчанинг майдони – 9,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 112 500 000 сўм.
15.4-10-сонли савдо шохобчанинг майдони – 9,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 112 500 000 сўм.
16.4-11-сонли савдо шохобчанинг майдони – 9,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 112 500 000 сўм.
17.4-12-сонли савдо шохобчанинг майдони – 9,0м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 112 500 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2021 йил 31 май куни соат 11:00дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилиш 2021 йил 28 май куни соат 18:00да тўхтатилади. Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдоси 2021 йил 15, 30 июнь ҳамда 15, 30 июль кунлари бўлиб ўтади.

Таклифи маъқул топилган талабгорга сотувчи билан савдо шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмасор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

“Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган дастлабки очиқ танлов савдоларига, “Ўрикзор савдо комплекси” МЧЖнинг 2021 йил 27 апрелдаги №1-3/188-сонли буюртманомасига асосан, “Ўрикзор савдо комплекси” МЧЖ ҳудудида қурилиши режалаштирилган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. 5-павилон 207 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
2. 5-павилон 208 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
3. 5-павилон 209 – дўконнинг майдони – 4,3м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.
4. 5-павилон 210 – дўконнинг майдони – 4,3м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.
5. 5-павилон 211 – дўконнинг майдони – 4,3м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.
6. 7-павилон 190 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
7. 7-павилон 191 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
8. 7-павилон 192 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
9. 7-павилон 193 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
10. 7-павилон 194 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
11. 7-павилон 195 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2021 йил 1 июнь куни соат 11:00дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифнинг ижарага олиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. 5-павилон 207 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
2. 5-павилон 208 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
3. 5-павилон 209 – дўконнинг майдони – 4,3м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.
4. 5-павилон 210 – дўконнинг майдони – 4,3м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.
5. 5-павилон 211 – дўконнинг майдони – 4,3м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.
6. 7-павилон 190 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
7. 7-павилон 191 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
8. 7-павилон 192 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
9. 7-павилон 193 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
10. 7-павилон 194 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.
11. 7-павилон 195 – дўконнинг майдони – 8,8м² бўлган жами бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.

Савдо ташкилчилари жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Тўртқўш кўчаси, 11/2-уй. Тел: (95) 199-12-21. (95) 195-12-21. www.kmsx.uz. Электрон почта: ko‘chmasmulk@mail.ru. Лицензия RR-0001.

Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Хамқоримиз: akfa

Тахрирчи келган кўғизмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Маъсуд қотиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хўмон АҚБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

«Шарк» нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топшириш вақти - 22.30.

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томондан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 3007. Буюртма Г - 44.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

Тақдир ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X